



ISSN 2181-3965

2022-YIL, 1-SON

VOLUME 1

MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR

ILMIY ELEKTRON JURNALI

LOREM IPSUM

LOREM IPSUM

TOSHKENT 2022

TAHRIRIYAT KENGASHI

To‘lqin Zakirovich Teshabayev – tahririyat kengashi raisi. Toshkent moliya instituti rektori, iqtisod fanlari doktori, professor

Sharipov Qongratbay Avezimbetovich – tahririyat kengashi raisi o‘rinbosari. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori, texnika fanlari doktori, professor

Islamkulov Alimnazar Xudjamuratovich – Toshkent moliya instituti ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Mehmonov Sultonali Umaraliyevich – Toshkent moliya instituti o‘quv ishlari bo‘yicha prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Sindarov Sherzod Egamberdiyevich – Toshkent moliya instituti moliya-iqtisod ishlari bo‘yicha prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Pardayev Abdunabi Xoliqovich – Toshkent moliya instituti ilmiy tadqiqotlar, innovatsiyalar va ilmiy-pedagogik kadrlar tayyorlash boshqarmasi boshlig‘i, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Xoshimov Elmurod Abdusattorovich – O‘zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Tashnazarov Samiddin Nizamovich – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Jo‘rayev Abdug‘affor Safarovich – Termez agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Ismanov Ibroxim Nabiyeovich – Farg‘ona politexnika instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Raviprakash G. Dani – Xalqaro ta‘lim konsultanti, professor (AQSH)

Bagautdinova Nailya Gumerovna – Qozon federal universiteti Boshqaruv, iqtisodiyot va moliya instituti direktori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Rossiya Federatsiyasi)

Sharifzoda Mu‘min Mashokir – Tojik davlat huquq, biznes va siyosat instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Tojikiston Respublikasi)

Maley Elena Borisovna – Polotsk davlat universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent (Belarus Respublikasi)

Asif Mahbub Karim – Malayziya Menejment va tadbirkorlik universiteti professori (Malayziya qirolligi)

Piter Xayk – Yevropa amaliy fanlar va menejment instituti ilmiy ishlar bo‘yicha prorektori (Chexiya Respublikasi)

Yavuz Demirel – Kastamonu universiteti professori (Turkiya Respublikasi)

JURNAL TAHRIRIYATI

Saparov Aktam Jo’rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori, dotsent

Mamatov Normurod – muharrir, falsafa fanlari doktori, professor

Avlokulov Anvar Ziyadullayevich – ilmiy muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Aliqulov Mehmonali Salohiddin o‘g‘li – mas’ul muharrir, iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

Buxorova Moxira Samandarovna – ma’sul kotib

MUNDARIJA**Byudjet**

1	Achilov Uyg'unjon Ulug'bekovich	O'zbekistonda qimmatli qog'ozlar bozori hajmiga omillar ta'siri	5
2	Xandamov Baxrom Kasimovich	Государственный финансовый контроль в Республике Узбекистан и перспективы её развития	12
3	Tashmatova Rano Gaibovna	Byudjetlar daromad salohiyatini mustahkamlash	22

Bank ishi, investitsiya

4	Shaislamova Nargiza Kabilovna	Investitsiya loyihalariga ta'sir qiluvchi risklarni pasaytirish yo'llari	31
5	Temirov Abdulaziz Alimjanovich	Tijorat banklarida korporativ boshqaruvning o'ziga xos xususiyatlari	47

Buxgalteriya hisobi va audit

6	Jumaboev Tolibjon G'olib o'g'li	Auditing in the CIS: problems and solutions	59
---	--	--	-----------

Raqamli iqtisodiyot

7	Ilxamova Yodgoraxon Saidaxmedovna	Sun'iy intellekt texnologiyalarini bank-moliya sohasida qo'llash samaradorligi	70
8	Mustafaqulov O'ktam Ungboyevich	Raqamli platformalarni yaratishda jahon tajribasini o'rganish	80

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ҲАЖМИГА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ

Ачилов Уйғунжон Улугбекович

*мустақил тадқиқотчи
Тошкент молия институти
E-mail: uygunachilov@gmail.com
ORCID: 0000-0001-6991-5629*

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори ҳажми ўзгаришларига макроиқтисодий омилларнинг таъсири таҳлили амалга оширилган. Қимматли қоғозлар бозори ҳажмига муомаладаги пул массаси ҳамда аҳоли даромадлари миқдорлари таъсири таҳлили 2002-2021 йиллардаги статистик маълумотлар асосида амалга оширилган. Омилларнинг ўзаро таъсир кучи корреляция коэффициенти орқали баҳоланган ҳамда эконометрик моделлаштириш амалга оширилган. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори ҳажми ўзгаришларига макроиқтисодий омиллар таъсири баҳоланган ва хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: қимматли қоғозлар бозори, аҳоли даромадлари, муомаладаги пул массаси, инвестиция фонди, брокер, макроиқтисодий ўсиш, иқтисодий тараққиёт.

INFLUENCE OF FACTORS ON THE MARKET VOLUME SECURITIES IN UZBEKISTAN

Achilov Uygunjon Ulugbekovich

*Scientific researcher
Tashkent financial institution.
E-mail: uygunachilov@gmail.com
ORCID: 0000-0001-6991-5629*

Abstract

The article analyzes the influence of macroeconomic factors on changes in the volume of the stock market of Uzbekistan. The analysis of the influence of the mass of money in circulation and the amount of income of the population on the size of the stock market was carried out on the basis of statistical data for the years 2002-2021. The power of interaction of the factors was evaluated by the correlation coefficient and econometric modeling was carried out. The influence of macroeconomic factors on changes in the volume of the stock market of Uzbekistan was evaluated and conclusions were drawn.

Keywords: securities market, household income, money supply, investment fund, broker, macroeconomic growth, economic development.

ВЛИЯНИЕ ФАКТОРОВ НА ОБЪЕМ РЫНКА ЦЕННЫХ БУМАГ В УЗБЕКИСТАНЕ

Ачиллов Уйгунджан Улугбекович

соискатель

Ташкентский финансовый институт

E-mail: uyunachilov@gmail.com

ORCID: 0000-0001-6991-5629

Аннотация

В статье анализируется влияние макроэкономических факторов на изменение объема фондового рынка Узбекистана. Анализ влияния массы денег в обращении и размера доходов населения на размер фондового рынка проведен на основе статистических данных за 2002-2021 годы. Сила взаимодействия факторов оценивалась коэффициентом корреляции и проводилось эконометрическое моделирование. Оценено влияние макроэкономических факторов на изменение объема фондового рынка Узбекистана и сделаны выводы.

Ключевые слова: рынок ценных бумаг, доходы населения, денежная масса, инвестиционный фонд, брокер, макроэкономический рост, экономическое развитие.

Кириш

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Жумладан, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрири амалиётга татбиқ этилди [1]. Мазкур қонун ҳужжатларига кўра, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси (брокери, дилери), инвестиция маслаҳатчиси, инвестиция фонди, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси, қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси каби профессионал фаолият турлари амал қилади[2].

Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият турларини амалга оширувчилар юридик ва жисмоний шахсларнинг барча бўш пул маблағларини жалб қилган ҳолда иқтисодиёт реал секторининг молиявий ресурсларга бўлган талабини қондиради ҳамда жамғарувчилар ва фойдаланувчилар ўртасида воситачилик операцияларини амалга оширувчи молиявий инфратузилма яратилган.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг яхлит

стратегиясини шакллантириш ва ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ўз навбатида, фонд бозорининг самарали инфратузилмасини шакллантиришга кўмаклашиш, иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини жадал ривожлантириш ва унинг кўламини кенгайтириш, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, корпоратив бошқарув ва капитал бозорини тартибга солиш соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар билан изоҳланади.

«Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, капитал жалб қилишда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш, институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш жараёнида корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш, капитал бозори, қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлган қимматли қоғозлар турларини кўпайтириш, хусусан, фонд бозорини ривожлантириш борасидаги устувор вазифалар юзасидан муҳим чоратадбирлар стратегияси»[3] ишлаб чиқилди ва белгиланди. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасидаги ишларни жадаллаштиришни талаб этади.

Тадқиқот методологияси

Мақолада эконометрик таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, солиштириш, статистик қайта ишлаш каби услублардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Фикримизча, мамлакатда кузатилаётган макроиқтисодий ўсиш ва қимматли қоғозлар бозорида эришилаётган ютуқларни ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш учун корреляцион таҳлилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Биламизки, бир миқдорнинг ўзгаришига унга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган қандайдир омиллар таъсир кўрсатади. Бу ҳолат корреляция коэффиценти билан ўлчанади. Бизнинг тадқиқотимиздаги қимматли қоғозлар бозори ҳажмининг (u) ўзгаришига аҳоли даромадлари (g) ва муомаладаги пул массасининг (m) ўзгаришлари билвосита таъсир қилади. Корреляция коэффицентини ҳисоблашнинг Пирсон ва Спирман формулалари энг оммабопдир.

1-жадвал.

**Аҳоли даромадлари, муомаладаги пул массаси ва ҚҚБ ҳажми
кўрсаткичлари динамикаси* (млрд сўм)**

Йиллар	Муомаладаги пул массаси, млрд сўм (m)	Аҳоли даромадлари, млрд сўм (g)	ҚҚБи ҳажми, млрд сўм (u)
2002	332,1	2377,4	17,11
2003	502,4	3605,6	26,13
2004	700,3	5196,7	41,74
2005	898,8	6490,4	74,7
2006	1255,5	7781,6	115,03
2007	2159,9	9989,8	142,4
2008	3093,1	12954,9	330,8
2009	4876,2	16872,7	408
2010	6925,8	22626,3	708,3
2011	10171,4	30862,2	749,6
2012	15548,8	47247	1681,1
2013	21038,1	62602	1603,4
2014	26814,0	78816	2093,5
2015	33535,2	101661,2	977,4
2016	41454,0	117888,9	1327
2017	50443,9	158699,8	3508
2018	59411,4	185036,5	14460
2019	88945,8	220811,8	22247
2020	80109,8	282762,5	10710
2021	92264,5	344970,2	37879

*Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот ва таҳлилий шарҳ. Йиллик нашрлари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Қимматли қоғозлар бозори ҳажмининг ўзгаришига (u) аҳоли даромадлари (g) ва муомаладаги пул массасининг (m) корреляцион таъсири Пирсон формуласи орқали ҳисобланса, мос равишда 0.8699 ва 8478 га, Спирман формуласида эса мос равишда 0,9714 ва 0,9744 га тенг бўлди. Миқдорларнинг йиллар кесимидаги тақсимооти Skewness/Kurtosis тести орқали текширилганда. уларнинг нормал тақсимланганлиги аниқланди, шу нуқтаи назардан Пирсон формуласи (0,8699 ва 0,8478) орқали олинган натижани тадқиқотда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

2-жадвал.

**Қимматли қоғозлар бозори ҳажмига таъсир қилувчи омиллар
корреляцияси**

Формула	Аҳоли даромадлари (g)нинг корреляцияси	Муомаладаги пул массаси (m)нинг корреляцияси
Пирсон формуласи	0,8699	0,8478
Спирман формуласи	0,9714	0,9744

Юқорида амалга оширилган корреляцион таҳлил ёрдамида қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши билан монетар ва фискал сиёсат дастакларининг асосий кўрсаткичлари динамикаси ўртасидаги боғлиқлик аниқланди. Бунинг учун 1-жадвал тузилди ва таҳлилда натижавий омил сифатида қимматли қоғозлар бозори савдо айланмаси суммаси, таъсир этувчи омиллар сифатида эса, пул массаси миқдорининг ўзгариши ва аҳоли даромадлари миқдори олинди.

1-жадвал маълумотларини компьютер дастури ёрдамида қайта ишлаш асосида қуйидаги натижаларга эга бўлдик.

3-жадвал.

Аҳоли даромадлари (g), муомаладаги пул массасининг (m) ҚҚБ ҳажми (u) ўзгаришларига таъсирининг регрессия тенгламаси

Source	SS	df	MS	Number of obs	=	20
Model	1.3933e+09	2	696635744	F(2, 17)	=	29.95
Residual	395412604	17	23259565	Prob > F	=	0.0000
Total	1.7887e+09	19	94141268.1	R-squared	=	0.7789
				Adj R-squared	=	0.7529
				Root MSE	=	4822.8

u	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]	
logg	-3346.671	1555.246	-2.15	0.046	-6627.954	-65.38829
m	.409649	.0771875	5.31	0.000	.2467976	.5725004
_cons	28863.16	14470.6	1.99	0.062	-1667.14	59393.46

ҚҚБ ҳажмининг (u) ўзгаришига аҳоли даромадлари (g), муомаладаги пул массаси (m) ўзгаришларининг ўзаро боғлиқлигининг эконометрик моделини ҳосил қиламиз. Мазкур моделнинг индуктив таҳлиliga кўра, юқоридаги моделнинг статистик жиҳатдан аҳамиятлилиги ифодаловчи кўрсаткич (*F-статистика*) 0.05 дан кичик, шу сабабли ҳам мазкур модел статистик жиҳатдан аҳамиятли, мустақил ўзгарувчилар (*ln g* ва *m*)нинг боғлиқ ўзгарувчига таъсирини кўрсатувчи коэффитциентлар ҳам 0.05 дан кичик ҳамда у ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли. Бу ҳисоб-китоблар Стата

дастурий мажмуасида ҳисоблаб чиқилди.

Регрессия тенгламасида аҳоли даромадларининг таъсири статистик жиҳатдан аҳамиятли миқдорларга келтириш учун уни ўнли логарифмлаш амали бажарилди.

Аҳоли даромадлари (g) ва муомаладаги пул массасининг (m) ҚҚБ ҳажмининг (u) ўзгаришига таъсирининг эконометрик модели:

$$u = 28863,16 - 3346,671 \ln g + 0,4096m + e \quad (1).$$

Бу ерда: u – ҚҚБ ҳажми, млрд сўм;

$\ln g$ – аҳоли даромадларининг ўнли логарифмланган қиймати, $\ln g$;

m – муомаладаги пул массаси, $\ln m$;

e – ҳисобга олинмаган омиллар.

Тузилган тенгламанинг детерминация коэффиценти (R-squared) 0,7789 га тенг бўлиб, аҳоли даромадлари (g), муомаладаги пул массаси (m) миқдорлари ҚҚБ ҳажми ўзгаришининг 77,89 фоизини тушунтириб бера олади. $\ln g$ (аҳоли даромадлари)нинг ўнли логарифланган қиймати бўлиб, бу миқдорнинг олдида турган коэффитциент (-3346,671) – аҳоли даромадларининг бир фоизга кўпайиши (камайиши), ҚҚБ ҳажмининг 3346,671 бирликка камайиши (кўпайиши)га олиб келишини билдиради, шунингдек m муомаладаги пул массасининг олдидаги 0,4096 коэффицент муомаладаги пул массасининг 1 бирликка кўпайиши (камайиши) ҚҚБ ҳажмининг 0,4096 бирликка кўпайиши (камайиши)ни ифодалайди.

Хулоса

Тадқиқот жараёнидаги эътиборли жиҳат шундаки, аҳоли даромадларининг ортиши ҚҚБ ҳажмига тесқари таъсир қилади, бу ҳолат мамлакатда аҳоли даромадлари аксарияти истеъмолга ёки бошқа соҳаларга йўналтирилаётганлигини билдиради. Яна шунини эътироф этиш керакки, мамлакатда аҳоли даромадларининг фонд бозорида иштироки чекланган. даромадларнинг катта қисми истеъмолга кетади ёки аҳоли ўз даромадларини фонд бозорига йўналтиришдан иқтисодий манфаатдорлиги юқори эмас.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги 2008 йил 22 июль ЎРҚ-163-сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/1374865>

2. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори

тўғрисида»ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги янги таҳрирдаги 2015 йил 3 июнь ЎРҚ-387-сонли қонуни <https://lex.uz/docs/2662539?ONDATE=15.01.2021>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>

4. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот ва таҳлилий шарҳ. Йиллик нашрлари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ФИНАНСОВЫЙ КОНТРОЛЬ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И ПЕРСПЕКТИВЫ ЕГО РАЗИТИЯ

Хамдамов Бахром Касимович

*д-р экон. наук, профессор кафедры
бухгалтерский учет
Ташкентский финансовый институт
E-mail: bahrom24061965@mail.ru
ORCID: 0000-0001-9646-6400*

Аннотация

В статье анализируются проблемы государственного финансового контроля. Рассматриваются перспективы развития государственного финансового контроля на основе передового мирового опыта.

Ключевые слова: государственный финансовый контроль, налоговый контроль, классификатор нарушений, аудитор, внешний аудит, внутренний аудит, риск возникновения нарушений, инвентаризация.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA DAVLAT MOLIYAVIY NAZORATI VA UNI TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI

Xamdamov Baxrom Kasimovich

*iqtisod fanlari doktori, buxgalteriya
hisobi kafedrasi professori
Toshkent moliya instituti
E-mail: bahrom24061965@mail.ru
ORCID: 0000-0001-9646-6400*

Annotatsiya

Maqolada davlat moliyaviy nazorati muammolari tahlil qilingan. Ilg’or xalqaro tajriba negizida davlat moliyaviy nazoratini rivojlantirish istiqbollari ko’rib chiqilgan.

Kalit so’zlar: davlat moliyaviy nazorati, soliq nazorati, qoida buzishlar klassifikatori, auditor, tashqi audit, ichki audit, xatoliklarni vujudga kelishi riski, inventarizatsiya.

STATE FINANCIAL CONTROL IN REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND PROSPECTS OF ITS DEVELOPMENT

Khamdamov Bakhrom Kasimovich

*Doctor of Economics Sciences, Professor of
the Department of Accounting
Tashkent Financial Institute
E-mail: bahrom24061965@mail.ru
ORCID: 0000-0001-9646-6400*

Abstract

The article analyzes the problems of public financial control. Prospects of development of the public financial control on the basis of the worlds best practices are considered.

Keywords: public financial control, tax control, violation classifier, auditor, external audit, internal audit, risk of violations, inventory.

Введение

Определены направления развития Республики Узбекистан, разработанные на основе комплексного изучения актуальных и волнующих население и предпринимателей вопросов, анализа действующего законодательства, правоприменительной практики и передового зарубежного опыта, а также широкого общественного обсуждения.

Согласно приоритетным направлениям вопрос о контроле за расходованием государственных финансовых ресурсов приобретает особенно высокий общественный статус, так как контролирующие органы обеспечивают выполнение важного запроса общества на получение объективной информации о деятельности органов власти по управлению финансовыми ресурсами, способствуют повышению эффективности всей системы государственного управления, прежде всего, в сфере расходования бюджетных средств. Актуальным является то, что именно ключевая цель – повышение эффективности управления и использования бюджетных средств, активов государства и субъектов государственного сектора, являющиеся злободневной практически для всех стран, преследуется в рамках проводимой в настоящее время реформы в сфере бюджетно-финансового контроля.

Обзор литературы

Рассматриваемая проблематика затрагивает вопросы в части механизма контроля, его приемов и методов, которым посвящены нормативные акты и исследования экономистов.

Согласно Бюджетному кодексу «Государственный финансовый контроль – изучение, анализ и сопоставление бухгалтерских, финансовых, статистических, банковских и иных документов объектов государственного финансового контроля с целью осуществления контроля за исполнением бюджетного законодательства» [1].

Примечательна позиция С. Е. Прокофьева, утверждающий, что «Ключевой составляющей государственного финансового контроля является

контроль за соблюдением финансового (в первую очередь бюджетного) законодательства, а также определенных сегментов гражданско-правового законодательства (в том числе правоотношений, связанных с закупками товаров, работ, услуг для государственных нужд)» [2].

Г. Моросан пришел к выводу, что «... финансовый контроль направлен на выявление идеальных вещей, поиск практических реалий и сравнение их конечной целью является установление мер по устранению несоответствий и улучшению будущей работы, аудит финансового учета направлен на сбор доказательств с целью выражения мнения на регулярность и искренность бухгалтерского учета» [3].

Касаясь структуры финансового права Е.Е. Фролова отмечает, что «В соответствии со структурой особенной части финансового права в системе государственного финансового контроля могут быть выделены: бюджетный контроль, налоговый контроль, контроль за денежным обращением» [4].

Подчеркивая актуальность проблемы Д.О. Николеску пишет, что «Основными инструментами финансового контроля на предприятии являются бюджеты. Бюджет определяет ресурсы, задействованные в плане, конкретном проекте или на определенный период времени. Фиксированные бюджеты не зависят от деятельности подразделения, для которого составляется бюджет. Гибкий бюджет выделяет ресурсы на уровень активности. Программы электронных таблиц являются основными инструментами бюджетирования. Электронные таблицы — это инструменты личной производительности, используемые в настоящее время при подготовке бюджета» [5].

По мнению М.А. Шичанина «... в современной науке финансового права сложился комплексный (отраслевой) подход к пониманию финансового контроля, согласно которому в понятие «государственный (муниципальный) финансовый контроль» включаются валютный контроль, налоговый контроль, бюджетный контроль, банковский надзор и другие» [6].

Заслуживает внимания также мысль С.С. Уксусова, отмечающий, что «Финансовый контроль – это собирательное понятие, включающее в себя бюджетный, налоговый, валютный контроль, банковский и страховой надзор, надзор за профессиональными участниками рынка ценных бумаг, контроль в сфере денежного обращения, контроль в сфере противодействия (легализации) отмыванию доходов, полученных преступным путем, и финансированию терроризма и т. д. [7]».

Методология исследования

В статье использовались такие методы, как индукция, дедукция, группировка данных, сравнение и статистическая обработка.

Анализ и результаты

Финансовый контроль как функция финансов регламентирует деятельность специально созданных контролирующих органов за соблюдением финансового законодательства и финансовой дисциплины всех экономических субъектов. В зависимости от субъектов государственный финансовый контроль подразделяется на следующие виды:

внешний аудит, задачами которого являются анализ, оценка и проверка эффективного и законного управления национальными ресурсами (финансовыми, природными, производственными, кадровыми, информационными) для обеспечения динамичного роста качества жизненных условий населения и национальной безопасности страны;

внутренний аудит, задачами которого являются анализ, оценка и проверка достижения объектом государственного финансового контроля прямых и конечных результатов, предусмотренных в параметрах государственного бюджета Республики Узбекистан, надежности и достоверности финансовой и управленческой информации, эффективности внутренних процессов организации деятельности органов государственной власти, качества оказываемых услуг, сохранности активов государства.

Модель построения финансового контроля можно разделить на следующие взаимосвязанные сферы: государственный, независимый и общественный контроль. Рассмотрим государственный контроль как неотъемлемую часть государственного устройства.

Одна из важнейших функций государственного финансового контроля это управление страной и является обязательным условием нормального функционирования финансово-кредитной системы. Во многом это обусловлено тем, что именно на государственные органы ложится большое количество функций по защите финансовых прав и интересов членов общества, использование различных способов предотвращения и предупреждения злоупотреблений и краж. Государственный финансовый контроль представляет собой регламентированную деятельность государственных органов власти и управления по проверке финансовых операций, связанных с образованием, распределением и использованием централизованных и децентрализованных денежных фондов. Поэтому государственные аудиторы наделены правом осуществлять проверки, как в

государственном секторе, так и в сфере частного и корпоративного бизнеса. Государственный финансовый контроль включает контроль за: -исполнением государственного бюджета и бюджетов государственных целевых фондов;

организацией денежного обращения;

использованием кредитных ресурсов;

состоянием государственного внутреннего и внешнего долга, государственных резервов;

предоставлением финансовых, налоговых льгот и преимуществ. Бюджетный контроль – это составная часть государственного финансового контроля, представляющая собой деятельность уполномоченных государственных органов по проверке законности, целесообразности и эффективности действий при образовании, распределении и использовании централизованных денежных средств государства и местных органов власти. Основными задачами бюджетного контроля являются:

контроль за соблюдением действующего бюджетного и налогового законодательства;

обеспечение правильности составления и исполнения бюджета;

обеспечение своевременности и полноты выполнения обязательств гражданами и хозяйствующими субъектами перед государственным бюджетом;

проверка эффективности и целевого использования бюджетных средств и средств внебюджетных фондов;

проверка обращения средств бюджета и внебюджетных фондов в банках и других кредитных учреждениях;

контроль за реализацией механизма межбюджетных отношений;

выявление резервов роста доходов бюджетов разных уровней;

обеспечение сохранности государственной собственности.

Государственный финансовый контроль осуществляется в форме предварительного, текущего и последующего контроля:

предварительный контроль – осуществляется на стадии составления, рассмотрения и утверждения бюджетов разных уровней. Он используется для повышения реалистичности планов, обоснованности финансовых программ, смет расходов. Также позволяет определить наиболее эффективные способы удовлетворения потребностей государства при имеющихся ограниченных ресурсах, избежать нецелевого использования бюджетных средств;

текущий контроль проводится в ходе исполнения бюджета. Это

основной вид бюджетного контроля, в ходе которого проверяется правильность исполнения смет расходов бюджетными учреждениями, своевременность уплаты налогов и осуществления платежей. В ходе текущего контроля выявляется степень соблюдения финансовых норм и нормативов, установленных показателей по формированию и использованию бюджетного и внебюджетного фондов. Он проводится с целью предотвращения нарушений финансовой дисциплины, возможных потерь и злоупотреблений. Текущий контроль может осуществляться также в ходе рассмотрения отдельных вопросов исполнения бюджетов на заседаниях комитетов, комиссий, рабочих групп законодательных органов государственной власти, представительных органов местного самоуправления, в ходе парламентских слушаний, по депутатским запросам;

последующий контроль происходит в ходе рассмотрения и утверждения отчетов об исполнении бюджетов. Его смысл состоит в том, чтобы проанализировать, насколько реалистичным явилось исполнение бюджета, выявить причины отклонения отчетных данных от запланированных с тем, чтобы учесть это при составлении бюджета на следующий год. Эта форма контроля осуществляется путем анализа финансовых отчетов и балансов.

Следует также определить классификатор нарушений, обеспечивающий единый подход применяемыми методами и типами финансового контроля. Классификатор нарушений должен включать в себя следующие виды нарушений:

- финансовые нарушения;
- нарушения процедурного характера.

Требования к государственному финансовому контролю должны определяться стандартами государственного финансового контроля, разрабатываемые Счетной палатой, как и классификатор нарушений.

По нашему мнению, создание эффективной система государственного финансового контроля сопровождается вопросом её измерения. Технология экономических измерений сами по себе весьма интересны и связаны эти вопросы показателями финансового контроля.

Следует подчеркнуть, что хорошая система измерения на первое место ставит эффект, критерием которого является показатель производительности труда. Измерение производительности труда в сфере услуг имеет специфические особенности по сравнению с производственной сферой. Финансы и учет относятся к сфере услуг и к измерению производительности труда аудиторов можно подойти следующим образом:

Услуги – полный аудит операций, совершаемых компанией. Она должна дать полезные результаты за разумную цену. Уровень детализации каждого аудита должен соизмеряться с размерами и потенциальным риском, ассоциированным с соответствующими контрольными системами.

Цели – закончить аудит в установленное время и повышать её качество.

Меры – 1. Время, отведенное для аудита /Время, затраченное на аудит.

2. Результаты контрольной проверки на качество аудита.


Статистический показатель – это один из вспомогательных инструментов, но деятельность контролирующих органов более целесообразно оценить набором показателей. Показатели деятельности контролирующих органов, в свою очередь, характеризуются:

- эффективностью;
- экономичностью;
- результативностью;
- существенностью;
- перспективностью.

Необходимость государственного финансового контроля подтверждают соответствующие данные. Департамент по финансовому контролю за первый квартал выявил необоснованные расходы бюджетных средств на 211,2 млрд сумов, что почти в 6 раз больше, чем за аналогичный период прошлого года. Больше всего нарушений бюджетной дисциплины приходится на системы народного образования, здравоохранения и дошкольного образования.

Диаграмма 1.

**Нарушения и недостатки в использовании
бюджетных средств, млрд сумов ***



* Данные департамента государственного финансового контроля.

Контрольные проверки целевых расходов средств местных бюджетов выявили нарушения и другие недостатки на общую сумму 189,1 млрд сумов, в том числе в Сырдарьинской (40,2 млрд, в I квартале прошлого года было 1,5 млрд), Джизакской (23 млрд, было 1,9 млрд), Андижанской (19,8 млрд), Ташкентской (12,1 млрд), Кашкадарьинской (11,4 млрд), Сурхандарьинской (8,9 млрд), Ферганской (8,1 млрд), Самаркандской (7,9 млрд), Хорезмской (6,4 млрд), Бухарской (6 млрд), Наманганской (5,2 млрд), Навоийской (1,4 млрд) областях, а также в Ташкенте (16,5 млрд) и Каракалпакстане (21,9 млрд).

При этом департаменту удалось предотвратить необоснованное расходование бюджетных средств на общую сумму 5,3 млрд сумов за счёт сокращения излишне запланированных средств в сметах расходов и штатных расписаниях бюджетных учреждений, исключения других незаконных расходов.

Государственный финансовый контроль в современном Узбекистане требует реформирования. Стране нужна цельная и эффективная система государственного финансового контроля, однако пока такая система полностью не сложилась, хотя и наметилась положительная тенденция и реализация конкретных мероприятий по построению эффективной системы государственного финансового контроля, которых можно систематизировать следующим образом.

Структурно-правовые вопросы:

создание системы финансового контроля на основе единой концепции осуществления государственного бюджетно-финансового контроля и внутреннего аудита;

совершенствование правовой базы путем принятия Закона «О государственном финансовом контроле»;

разработка и внедрение общих стандартов осуществления контрольных мер, завершение процесса стандартизации;

создание единой информационной системы управления государственными финансами;

обеспечение международного обмена идеями и опытом в рамках профессионального сообщества государственных аудиторов и профессиональных ассоциаций бухгалтеров и аудиторов;

несоблюдение принципа системности, отсутствие эффективной системы государственного финансового контроля;

несовершенная система нормативно-правовой базы организации государственного финансового контроля;

неоптимизированная система финансового контроля, дублирование в работе органов государственного финансового контроля, слабое взаимодействие между контролирующими органами.

Методологические вопросы:

отсутствие единых стандартов и методологий проведения контрольных мероприятий;

присутствие произвольного характера контроля;

не определены методологические подходы системы контроля на микроуровне.

Информационные вопросы:

отсутствие единой информационной базы о выявленных нарушениях;

низкий уровень взаимодействия с международными органами;

-недостаточность специалистов с глубокими знаниями в области информационно-коммуникационных систем бухгалтерского учета и аудита.

Заключение

Для решения организационных проблем государственного финансового контроля необходимо:

разработать концепцию государственного финансового контроля, которая будет являться основой при формировании и совершенствовании законодательной базы контрольной деятельности и фундаментом при разработке и принятии Закона «О государственном финансовом контроле».

на основании концепции государственного финансового контроля принять общую стратегию развития государственного финансового контроля на краткосрочный и среднесрочный периоды;

оптимизировать систему бюджетно-финансового контроля, координировать взаимодействие между контролирующими органами;

разработать стандарты государственного финансового контроля, путем принятия общих принципов, рабочих и внутренних стандартов. Потребность в стандартизации объективна еще потому, что она существует как у субъекта контроля, так и у его объекта.

создать единую информационную базу контрольных органов независимо от их ведомственной принадлежности;

исходя из разделения на внешний и внутренний государственный финансовый контроль необходимо разделить контрольные полномочия, функции внутреннего государственного аудита и экспертно-аналитической деятельности на базе единых принципов, правил и процедур их проведения, которые должны найти отражение в стандартах;

разграничить функции органов государственного финансового контроля в соответствии со структурой государственной власти;

исключить дублирование контрольных мероприятий путем согласования планов работы до начала календарного года;

усиление взаимодействия контрольных органов государственного финансового контроля с правоохранительными органами;

довести до совершенствования кадровое обеспечение государственного финансового контроля посредством подготовки, повышения квалификации и профессионализма специалистов, осуществляющих контрольную работу;

укрепить международное сотрудничество, в рамках которого будет происходить обмен идеями и опытом.

Реализация предложенных направлений совершенствования государственного финансового контроля позволит обеспечить функционирование государственного финансового контроля в Республике Узбекистан как целостной системы и поднять на новый качественный уровень управление государственными финансовыми ресурсами, а также усилит роль государственного финансового контроля в обеспечении финансовой безопасности.

Литература

1. Бюджетный кодекс Республики Узбекистан. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2013 г., № 52-І.

2. Прокофьева С.Е. Новации в сфере государственного финансового контроля, осуществляемого казначейством России. // Финансы и кредит, 10 (634) – 2015.

3. Gheorghe Morosan. Financial audit of financial control versus - an overall analysis. // ECOFORUM, Volume 2, Issue 2 (2), 2013.

4. Фролова Е.Е. Виды государственного контроля в рамках финансовой деятельности государства //Известия Байкальского государственного университета. 2010. № 5. С. 138-139.

5. Dinu Octavian Nicolescu. The connection between financial management and financial control. // Social Economic Debates Volume 4, Issue 2, 2015.

6. Шичанин М.А. Понятие и виды публичного финансового контроля: вопросы правового регулирования. //Законодательство, Сентябрь 2020 (№ 9).

7. Уксусов В.В. Правовое регулирование муниципального финансового контроля // Актуальные проблемы российского права. 2016. № 3.

BYUDJETLAR DAROMAD SALOHIYATINI MUSTAHKAMLASH**Tashmatova Rano Gaibovna***moliya kafedrası dotsenti**Toshkent moliya instituti**E-mail: ranotashmatova76@gmail.com**ORCID:0000-0002-3003-3829***Annotatsiya**

Maqolada davlat byudjeti daromadlarini oshirishda asosiy o'rinni egallagan barcha darajadagi byudjet daromadlarini shakllanishining dolzarb masalalari tadqiq etilgan. Barcha darajadagi byudjetlarning shakllanish manbalari, barqarorligini ta'minlash va oshirishning asosiy yo'nalishlari tahlil qilingan. Mahalliy va horijiy olimlar tomonidan turli darajadagi byudjetlarning daromad solohiyatini oshirishning kontseptual asoslari va amaliy jihatlarini o'rganilganlik darajasi ko'rib chiqilgan. O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjetining 2023 yil uchun daromadlari tarkibining shakllanish holati baholangan hamda barcha darajadagi byudjetlar daromadlari zahiralarini o'sishining asosiy yo'nalishlari o'rganib chiqilgan.

Kalit so'zlar: davlat byudjeti, turli darajadagi byudjetlar, byudjet daromadlari, soliqlar, soliq stavkalari, davlat tomonidan tartibga solinishi.

УКРЕПЛЕНИЕ ДОХОДНОГО ПОТЕНЦИАЛА БЮДЖЕТОВ**Ташматова Рано Гаибовна***доцент кафедры финансы**Ташкентский финансовый институт**E-mail: ranotashmatova76@gmail.com**ORCID:0000-0002-3003-3829***Аннотация**

В статье исследованы актуальные вопросы формирования доходов бюджетов всех уровней, имеющих важное значение в формировании доходов государственного бюджета. Проанализированы источники формирования и основные направления повышения устойчивости и увеличения доходов бюджетов всех уровней. Рассмотрена степень изученности отечественных и зарубежных источников по концептуальным основам и практическим аспектам увеличения доходного потенциала бюджетов всех уровней. Определены сущность и структура доходов государственного бюджета. Оценена состояние формирования структуры доходов бюджетов Республики Узбекистан на 2023 год. Исследованы основные направления, позволяющие выявить резервы роста доходов бюджетов всех уровней Республики Узбекистан.

Ключевые слова: государственный бюджет, бюджеты всех уровней, доходы бюджета, налоги, налоговые ставки, государственное регулирование.

STRENGTHENING INCOME POTENTIAL BUDGET**Tashmatova Rano Gaibovna***Dotsent department of Finance,
Tashkent institute of Finance**E-mail: ranotashmatova76@gmail.com**ORCID:0000-0002-3003-3829***Abstract**

The article considers and investigates topical issues of formation of budget revenues at all levels, which are important in the formation of state budget revenues. The sources of formation and the main directions of increasing the stability and increasing the revenues of budgets of all levels are studied. The degree of knowledge of domestic and foreign researchers on the conceptual foundations and practical aspects of increasing the revenue potential of budgets of all levels is considered. The essence and structure of state budget revenues are determined. The state of formation of the income structure of the budgets of the Republic of Uzbekistan for 2023 was assessed. The main directions have been explored to identify reserves for the growth of budget revenues at all levels of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: state budget, budgets of all levels, budget revenues, taxes, tax rates, state regulation.

Kirish

Zamonaviy sharoitda moliya tizimini rivojlantirishning hozirgi kun tendentsiyalari, bir tarafdin, O'zbekiston Respublikasi mahalliy hokimiyat organlarining mustaqilligini kengaytirish, ikkinchi tomondan, mahalliy byudjetlar hisobidan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 13 dekabrda PF-5283-sonli “Mahalliy davlat xokimiyati organlarining moliyaviy erkinligini oshirish, mahalliy byudjetlarga tushumlarning to'liqligini ta'minlash bo'yicha soliq va moliya organlari javobgarligini kuchaytirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi Farmonida¹ belgilangan vazifalardan kelib chiquvchi davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlarini amalga oshirish zarurligini taqozo etmoqda.

O'zbekiston Respublikasining 2020 yil 25 dekabrda O'RQ-657-sonli “2021 yil uchun O'zbekiston Respublikasining Davlat byudjeti to'g'risida”gi Qonunida² davlat-huquqiy tuzilmalar orasida vakolatlarni taqsimlash va mahalliy byudjetlarning o'z daromad bazasini kengaytirishni amaliy rag'batlantirishni yaratish bo'yicha ishlarni yakunlash vazifasi yaqin kelajakda ustuvor vazifalardan biri hisoblanadi.

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 13 dekabrda PF-5283-sonli “Mahalliy davlat xokimiyati organlarining moliyaviy erkinligini oshirish, mahalliy byudjetlarga tushumlarning to'liqligini ta'minlash bo'yicha soliq va moliya organlari javobgarligini kuchaytirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi Farmoni

² O'zbekiston Respublikasining 2020 yil 25 dekabrda O'RQ-657-sonli “2021 yil uchun O'zbekiston Respublikasining Davlat byudjeti to'g'risida”gi Qonuni

Bu esa O'zbekiston Respublikasining barcha darajadagi byudjetlarning barqarorligini oshirish uchun hududiy byudjetlar daromadlarining o'sishini aniqlash va hokimiyatlarni ustuvor ijtimoiy-iqtisodiy vazifalarni bajarish uchun yetarli moliyaviy resurslar bilan ta'minlash zarurligini taqozo etadi.

Adabiyotlar sharhi

Byudjet tizimi, davlat va mahalliy byudjetlarning kontseptual asoslari va amaliy jihatlari, ularning daromad va harajatlari tarkibi va tuzilishi, byudjetlararo munosabatlar, mahalliy byudjetlarni samarali boshqarish C. Dziobek, Mangas Gutierrez, P. Kufa, Jorge Martinez-Vazquez, A. Timofeev, Nicoletta Ferugilo, J. Wallis, W. Oates kabi xorijiy olimlarning asarlarida o'rganilgan.

Shuningdek, xorijiy olimlardan Ya.Andreyev, O.Bejayev, O.Vrublyovskaya, L.Drobozina, S.Lushin, G.Polyak, V.Rodionova, M.Romanovskiy, V.Slepov, D.Chernik, I.Mislavevalarning tadqiqot ishlarida barcha darajadagi byudjetlarning daromad potentsialini oshirish yo'llari, hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishda, mahalliy byudjetlarning moliyaviy barqarorligini ta'minlashda mahalliy byudjetlarning roli o'rganilgan.

Mamlakatimizda barcha darajadagi byudjetlarning daromad potentsialini oshirish bilan bog'liq masalalar M.Alimardonov, A.Vahobov, E.Gadoyev, A.Jo'rayev, H.Jamolov, A.Mamanazarov, T.Malikov, O.Olimjonov, Sh.Toshmatov, N.Xaydarov, B.Toshmurodova, Q.Yahyoyev, N.Qo'ziyeva kabi mahalliy iqtisodchi-olimlarning tadqiqot ishlarida yoritilgan.

B.Abillayev, S.Jubayev, A.Mamanazarov, A.Suvonov, K.Tojiboyeva, X.Qobulov, X.Qurbonov, A.Xayriddinov, N.Yuldasheva, U.O'roqov kabi olimlar tomonidan turli darajalardagi byudjet daromadlarini shakllantirish, mahalliy soliqlar va yig'imlarni safarbar etishning nazariy va amaliy jihatlari o'rganilgan.

Yuqorida qayd etilgan olimlarning tadqiqotlarida daromad potentsialini oshirishning ayrim jihatlari o'rganilgan bo'lsa-da, daromad barqarorligini oshirish masalalari alohida tadqiqot obyekti sifatida ko'rib chiqilmagan. Mazkur jihat mavzuning dolzarbligini ko'rsatadi.

Tadqiqot metodologiyasi

Barcha darajadagi byudjet daromadlarini shakllantirish sohasidagi fundamental tadqiqotlar metodologik asosni tashkil etadi. Tuzilmaviy, mantiqiy va tizimli yondashuvlar, shuningdek, ekonometrik usullardan foydalanilgan.

Tahlil va natijalar

Turli darajadagi byudjet daromadlari har qanday mamlakatning davlat siyosatining asosiy yo'nalishlari hamda samaradorligini belgilab, ijtimoiy-iqtisodiy

sohani, infratuzilmani rivojlanishini, aholining ishbilarmonlik faoliyatini kengayishini ta'minlaydi.

Byudjet mablag'laridan foydalanish moliya tizimining elementi sifatida, byudjet harajatlari tizimini belgilovchi ijtimoiy munosabatlarni vujudga keltiradi. Davlatning asosiy funksiyalarini amalga oshirishga oid siyosatining samarali va sifatli tashkil etilishi byudjetlarning daromad qismi qay darajada samarali va o'z vaqtida shakllanishi bilan chambarchas bog'liqdir.

Yuqorida aytilganlardan kelib chiqib qayd etish mumkinki, davlat byudjeti daromadlari har bir muayyan davlat qonunchiligiga muvofiq mamlakat byudjet fondini shakllantirish jarayonida davlat va tashkilotlar, korxonalar va fuqarolar o'rtasida vujudga keladigan iqtisodiy munosabatlarni ifodalab, davlatning moliyaviy manbasi bo'lib xizmat qiladi va bu, o'z navbatida, mamlakat moliya tizimi va iqtisodiyotining muhim jihatlaridan biridir.

Jamiyatning iqtisodiy va ijtimoiy strukturasi shakllantirish va rivojlantirishda davlat siyosati doirasida amalga oshirilayotgan davlat tomonidan tartibga solish muhim o'rin tutadi.

Davlat tomonidan iqtisodiy va ijtimoiy siyosat yuritilishidagi muhim mexanizmlardan biri bu mamlakat moliya tizimi va uning tarkibida alohida o'ringa ega bo'lgan davlat byudjetidir.

Byudjet daromadlari davlat mavjudligining moddiy asosini yaratib, o'ziga yuklatilgan funksiyalarni bajarish uchun mablag'larga bo'lgan ehtiyojni qoplashga yo'naltiriladi. Byudjet daromadlari ijtimoiy guruhlar daromadlilik darajasiga va faoliyat turlariga ta'sir ko'rsatish orqali yalpi iste'molga ta'sir qiluvchi omil sifatida qaraladi. Byudjet daromadlari iqtisodiy faoliyatga, ishlab chiqarilayotgan maxsulot hajmi va ishlab chiqarishni texnik ta'minotiga, narxlar muvozanatiga, investitsiyalarning tarmoq va hududiy taqsimlanishiga ta'sir qiladi.

Byudjet daromadlarini tartibga solish imkoniyatlari ma'lum chegaralarga ega. Korxonalar va aholidan pul mablag'larning yuqori darajada olinishi iqtisodiy faollikning pasayishiga, iste'mol xarajatlarining kamayishiga, bozorda yalpi talabning pasayishiga olib keladi, bu esa, o'z navbatida ishlab chiqarilayotgan mahsulot hajmining tushib ketishiga, narxlarning oshishiga hamda real yalpi milliy mahsulotning kamayishiga sabab bo'ladi. Shu bilan bir qatorda, byudjet daromadlarini oshirish zarurati har qanday davlatning muhim faoliyat yo'nalishlaridan hisoblanadi.

Byudjet daromadlari YaIM qiymatini taqsimlash natijasida vujudga keladi. Ularning asosiy moddiy manbai milliy daromad hisoblanadi.

Byudjet daromadlarining tarkibiy tuzilishi ijtimoiy ishlab chiqarish va milliy daromad hajmiga chambarchas bog'liq bo'lib, davlatning moliyaviy siyosati bilan

belgilanadi.

Davlat byudjeti daromadlari kontsepsiyasining o’zi mamlakat pul fondini shakllantirish jarayonida vujudga keladigan va davlat o’z funksiyalari va vazifalarini bajarishi uchun zarur bo’lgan iqtisodiy (moliyaviy) munosabatlar yig’indisini aks ettiruvchi davlatning markazlashgan moliyaviy resurslari sifatida tavsiflanishi mumkin.

Amaliyotdan kelib chiqqan holda shuni ta’kidlash lozimki, mamlakatimizda davlat byudjetining samarali faoliyat yuritishini yanada ta’minlashga qaratilgan islohotlar amalga oshirilmoqda, xususan, davlat byudjetining daromad qismini shakllanishini optimallashtirish yuzasidan qator vazifalar belgilahgan.

1-jadval.

O’zbekiston Respublikasi konsolidatsiyalashgan byudjet daromadlarining 2023 yil uchun parametrlari*

№	Daromadlar	2023 yil uchun parametrlar, mlrd so‘m
	Konsolidatsiyalashgan byudjet daromadlari	310 677,9
1.	Davlat byudjeti daromadlari	232 107,1
2.	Davlatning maqsadli jamg’armalari daromadlari	41 250,7
3.	O’zbekiston Respublikasi Tiklanish va taraqqiyot jamg’armasiga tushumlar	11 712,0
4.	Respublika budjetidan Qoraqalpog‘iston Respublikasi respublika budjetiga va viloyatlarning viloyat budjetlariga ajratiladigan tartibga soluvchi budjetlararo transfertlar miqdorlari	24 280,9

*O’zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining rasmiy sayti. - www.mf.uz

O’zbekiston Respublikasining konsolidatsiyalashgan davlat byudjeti daromadlari 2023- yil uchun 310 677,9 mlrd so‘m miqdorida prognoz qilingan bo’lib, quyidagilar hisobga olingan:

iste’mol narxlari indeksi 9,5 foiz darajasida yalpi ichki mahsulotning 5,3 foizga o‘shirishini ta’minlagan holda 2023-yilda respublikani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish;

soliq va bojxona imtiyozlarini bekor qilish;

strategik tovarlarning ayrim turlariga jahon bozorlarida narxlarning o’zgarishi.

2023-yilda davlat byudjeti daromadlari barqarorligini ta’minlash maqsadida quyidagi soliq stavkalari saqlanib qolindi:

qo‘shilgan qiymat solig‘i – 12%;

foyda solig‘i – 15%;


jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig‘i – 12%;

aylanmadan soliq – 4%;
 dividendlar ko’rinishidagi daromaddan soliq – 5%;
 yuridik shaxslar mol-mulkiga soliq – 1,5%;
 qishloq xo’jaligi maqsadlari uchun foydalaniladigan yerlardan yer solig’i – 0,95% ;
 ijtimoiy soliq – 12% / 25% [20].

2023-yilda daromadlarning barcha toifalari bo’yicha (yer osti boyliklaridan foydalanganlik uchun soliq va boshqa daromatlardan tashqari) iqtisodiy faollikning tiklanishi va iqtisodiy o’sish soliq siyosatidagi o’zgarishlar hisobiga rejalashtirilgan. Yer qa’ridan foydalanganlik uchun soliq tushumlarining kamayishi oltin va kumush uchun stavkaning 20 foizdan 15 foizga tushirilishi bilan bog’liq (OTKMK va NTKMK uchun).

2-rasm.

Barcha darajadagi byudjetlar daromadlarini oshirish yo’nalishlari*



* O’rganilgan ma’lumotlar asosida chizma muallif tomonidan tayorlangan.

2-rasmدا keltirilgan ko’rsatkichlar majmui o’rganib chiqilib, ularda byudjet tuzilmasidan qat’i nazar, O’zbekiston Respublikasining barcha darajadagi byudjetlar daromadlari o’shishi uchun zaxiralarni aniqlash imkonini beruvchi

asosiy moliyaviy vositalar jamlangan.

Mamlakatda iqtisodiyotning samarali tarzda rivojlanishi, aholining ishbilarmonlik faolligini shakllanishi va kengayishi ko‘p jihatdan har bir mamlakatning shu tariqa shakllangan umumiy qonuniyatlari va xususiyatlarini aks ettira oladigan ilmiy asoslangan soliq va byudjet tizimlariga bog‘liq.

Bunda hududlarning daromad salohiyatini oshishi natijasida byudjet tizimiga kelib tushadigan qo‘shimcha daromadlarni zaxira sifatida belgilash, shuningdek, byudjetlar daromadlarini oshirishga qaratilgan chora-tadbirlarni muhim ahamiyatga ega bo‘lgan moliyaviy dastak sifatida qayd etish lozim.

Xulosa

Davlat byudjeti mablag‘larini shakllanishi, uning real ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda amalga oshishi dolzarb masalalardan biridir. Byudjet daromadliligini mustahkamlashga qaratilgan davlat islohotlari qator chora-tadbirlarni, xususan, o‘rta muddatli byudjetni rejalashtirishga o‘tish va mamlakat soliq tizimidagi tub o‘zgarishlarni o‘z ichiga oladi, bu esa yanada maksimal ijobiy natijalarga erishishni ta‘minlaydi.

Byudjetlararo transfertlar hududiy tizimining yanada takomillashtirilishi, quyidagilar, yani:

budjet daromadlarining barqarorligi va ularning tushumlari barqarorligi hisobiga mahalliy o‘zini-o‘zi boshqarish organlarining rivojlanish darajasini oshirish;

byudjetlararo transfertlarning adolatligi, xolisligi va shaffofligi;

axborotning shaffofligi;

barcha darajadagi hokimiyatning samarali ishini tashkil etish;

mahalliy hokimiyat organlarining jadal rivojlanishi;

barcha darajadagi byudjetlarning daromad qismini davlat tomonidan tartibga solish mexanizmini takomillashtirish bilan tavsiflanadi.

Zamonaviy sharoitda O‘zbekiston Respublikasi davlat siyosatining maqsadi mamlakatimizning barcha hududlarini ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish darajasini oshirish, mehnat resurslariga bo‘lgan ehtiyojni ta‘minlash va chekka hududlarda turmush sharoitini yaxshilash orqali aholi muqдорini oshirishdan iborat.

Ushbu maqsadga erishish quyidagi vazifalarni hal qilish orqali ta‘minlanadi:

investitsiyalarni jalb etish uchun qulay shart-sharoitlarga ega bo‘lgan, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlangan hududlarni shakllantirish va rivojlantirish;

hududlarda ishlab chiqarishni tashkil etish va qo‘llab-quvvatlash, ish o‘rinlarini saqlash va ko‘paytirishga ko‘maklashish;

iqtisodiyotning yangi raqobatbardosh tarmoqlarini rivojlantirish.

Umuman olganda, barcha darajadagi byudjetlarning daromad bazasini oshirishda quyidagilar dolzarb hisoblanadi:

soliq imtiyozlari samaradorligini baholash tizimini takomillashtirish va samaradorlik mezonlariga javob bermaydiganlarini bekor qilish;

maqsadli harakterga ega bo'lgan daromadlardan tushumlarni rejalashtirish bo'yicha samarali ishlarni olib borish;

investitsiyalarni jalb qilish va daromad potensialini kengaytirish, shu jumladan nomoliyaviy instrumentlar hisobiga;

davlat mulkidan foydalanish samaradorligini oshirish.

Taklif etilayotgan chora-tadbirlarni majmuali tarzda amalga oshirilishi hududlarning daromad potentsialini kengaytirish uchun shart-sharoit yaratadi, hududiy budjet daromadlarining o'sishi uchun zaxiralarni aniqlashga imkon beradi, ularning mutanosibligi va barqarorligini ta'minlaydi, shuningdek, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni ta'minlash, fuqarolarning turmush darajasini oshirish uchun zarur moliyaviy bazani yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Byudjet kodeksi, 26.12.2013y. № O'RQ-360-son Qonuni.

2. O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksi (yangi tahrirda) O'zbekiston Respublikasining 30.12.2019y. № O'RQ-599-son Qonuni.

3. O'zbekiston Respublikasining «2023 yil uchun O'zbekiston Respublikasining Davlat byudjeti to'g'risida»gi 30.12.2022y. O'RQ-813-son Qonuni.

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida»gi 28.01.2022 y. № PF-60-son Farmoni.

5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Mahalliy davlat hokimiyati organlarining moliyaviy erkinligini oshirish, mahalliy budjetlarga tushumlarning to'liqligini ta'minlash bo'yicha soliq va moliya organlari javobgarligini kuchaytirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 13.12.2017y. № PF-5283-son Farmoni.

6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «O'zbekiston Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi to'g'risida» gi 29.06.2018y. № PF-5468-son Farmoni.

7. Жиянова Н. Э. Управление государственными финансами. Учебное пособие. - Т.: Иқтисод-молия, 2019. - 384 с.

8. Жиянова Н. Э. Управление государственными финансами: Учебник. – Т.: Иқтисод-Молия, 2019. – 444 с.

9. Жиянова Н. Э., Ташматова Р. Г. Бюджетно-налоговая политика. Учебное пособие. – Т.: Иқтисод-Молия, 2019. – 216 с.
10. Мысляева И.И. Государственные и муниципальные финансы. Учебник – М: ИНФРА, 2013. – 393 с.
11. Васильева В. М. Государственная политика и управление : учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры / В. М. Васильева, Е. А. Колеснева, И. А. Иншаков. – М.: Юрайт, 2018. – 441 с.
12. Gruber Jonathan. Public Finance and Public Policy.–NY: Worth Publishers,2013.–P.870-882.
<http://www.scopus.com/authid/detail.uri?authorId=6100958239>
13. Dziobek C., Gutierrez Mangas and P. Kufa (2011). Measuring Fiscal Decentralization – Exploring the IMF's Databases. International Monetary Fund Working Paper 11/126
14. Исламкулов А.Х. Распределение налогов между бюджетами бюджетной системы для обеспечения межбюджетной сбалансированности. – August 2018. – International Journal of Innovative Technologies in Economy https://www.researchgate.net/publication/341437980_raspredelenie_nalogo_v_mezdu_budzetami_budzetnoj_sistemy_dla_obespecenia_mezbudzetnoj_sbala_nsirovannosti
15. Jiyanova N.E., Umarova A.I. O'zbekiston Respublikasi hududlarini innovation rivojlanishining ta'minlash yo'llari // Iqtisod va moliya, 2019, 3(123).
16. Жиянова Н.Э., Ортиқов У. Солиқ тизимининг жаҳон амалиёти ва уни Ўзбекистон амалиётида қўллаш имкониятлари //Иқтисодиётда инновациялар. 2020. № 1 – <https://www.journals.uz/wp-content/uploads/2020/02/economic-2020-01.pdf> Б.24-30
17. Жиянова Н.Э.,Ташматова Р.Г.Пути увеличения доходного бюджета разных уровней республики Узбекистан// SCIENCE AND EDUCATION, 2 (5), (2021г.) – <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/1505>.Б.1069-1078
18. www.gov.uz (O'zbekiston Respublikasining Xukumat portali).
19. www.lex.uz/ru/docs/5186047 (O'zbekiston Respublikasi milliy qonunchilik bazasi).
20. www.mf.uz (O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining rasmiy sayti).
21. www.stat.uz (O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasining rasmiy sayti).

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ РИСКЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Шаисламова Наргиза Кабиловна

*баҳолаш иши ва инвестициялар
кафедрасининг катта ўқитувчиси
Тошкент молия институти
E-mail: shaislamovan2002@gmail.com
ORCID:0000-0002-7686-8995*

Аннотация

Мақолада инвестиция лойиҳаларига таъсир қилувчи рискларни пасайтиришнинг амалдаги ҳолати таҳлил этилган. Муаллиф томонидан мазкур риск даражаси таъсирини юмшатиш мақсадида рискларни суғурталанадиган ва суғурталанмайдиган гуруҳларга бўлиш тавсия этилган. Рискларни лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимлаш, лимитлаш, суғурталаш ва кутилмаган харажатларни қоплаш масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек захиралаш орқали рисклар даражасини пасайтириш усуллари таклиф этилган.

Калит сўзлар: инвестиция лойиҳаси, риск, инвестиция rischi, диверсификациялаш, суғурталаш, захиралаш, лимитлаш, хежерлаш, рискларни бошқариш.

ПУТИ СНИЖЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННЫХ РИСКОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА ИНВЕСТИЦИОННЫЕ ПРОЕКТЫ

Шаисламова Наргиза Кабиловна

*старший преподаватель кафедры
оценочное дело и инвестиции
Ташкентский финансовый институт
E-mail: shaislamovan2002@gmail.com
ORCID:0000-0002-7686-8995*

Аннотация

В статье анализируется современное состояние снижения рисков инвестиционных проектов. В целях смягчения влияния уровня этих рисков автор рекомендует разделить их на страхуемые и нестрахуемые. Исследуются проблемы диверсификации рисков между участниками проекта, их лимитирования, страхования, а также вопросы покрытия непредвиденных расходов. Предложены методы снижения рисков посредством аккумуляирования резервов.

Ключевые слова: инвестиционный проект, риск, инвестиционный риск, диверсификация, страхование, создание резервов, лимитирование, хеджирование, управление рисками.

**WAYS TO REDUCE INVESTMENT RISKS AFFECTING
INVESTMENT PROJECTS**

Shaislamova Nargiza Kabilovna

*Senior Teacher of the Department
Valuation and Investments
Tashkent Institute of Finance
E-mail: shaislamovan2002@gmail.com
ORCID:0000-0002-7686-8995*

Abstract

The article analyzes the current state of reducing the risks of investment projects. In order to mitigate the impact of the level of these risks, the author recommends dividing them into insured and non-insurable. The problems of diversification of risks between project participants, their limitation, insurance, as well as issues of covering unforeseen expenses are investigated. Methods for reducing risks through the accumulation of reserves are proposed.

Keywords: investment project, risk, investment risk, diversification, insurance, creation of reserves, limiting, hedging, risk management.

Кириш

Жаҳонда халқаро капитал оқими ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг турли шакллари (infrastructure-oriented international project finance, cross-border M&As, greenfield investment)ни амалга оширишга глобал рискларнинг салбий таъсирини баҳолаш ва уларнинг олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. Халқаро Иқтисодий Форум (World Economic Forum) ҳисоботи маълумотларига кўра, COVID-19 пандемиясининг оқибатлари, экология ва табиий иқлимнинг кескин ўзгариши, иқтисодий, ижтимоий, геосиёсий ва хавфсизликка оид таҳдидлар ҳамда кибер рискларнинг турли давлатлар тараққиётига салбий таъсири аниқланган [2]. Мамлакатларда инвестиция лойиҳаларини самарали амалга оширилиши устуворлик рискларни баҳолашни такомиллаштириш ҳамда риск даражасини пасайтириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Замонавий шароитларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва молиялаштиришда рисклар, уларни баҳолаш ва пасайтириш йўллари кўллашни такомиллаштириш масалаларига эътибор бериш лозим. Аввало, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва ишлаб чиқаришда замонавий илғор инновацион технологияларни жорий қилиш ҳамда мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашда инвестициялар беқиёс ўрин эгаллашини қайд этган ҳолда, «...

мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш, инвестициялардан самарали фойдаланиш» [1] Ўзбекистоннинг яқин истиқболдаги устувор мақсадларидан бири деб белгиланганлигини таъкидлаш лозим. Мазкур устувор мақсадларга эришишда инвестицияларнинг самарадорлигини таъминлаш, инвестиция лойиҳаларига таъсир қилувчи рискларни баҳолаш ва риск даражасини пасайтириш ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Адабиётлар шарҳи

Узоқ хорижий, МДХ давлатлари ва мамлакат иқтисодчи олимлар томонидан рисклар, уларнинг таснифи, инвестиция рисклари, уларни баҳолаш ва пасайтиришга оид бир қанча илмий изланишлар олиб борилган.³

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларда, айнан, инвестиция лойиҳаларига таъсир қилувчи рискларни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш ҳамда риск даражасини пасайтиришга оид масалалар комплекс ва тизимли тарзда тўлиқ ўрганилмаган. Инвестиция лойиҳаларига таъсир этувчи рискларни баҳолаш жараёнларини чуқур тадқиқ этиш асносида ушбу жабҳада аниқланган муаммоларнинг ечимларини ўзида акс эттирган аниқ таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Иқтисодий адабиётларда “рискларни пасайтириш” тушунчаси қатор иқтисодчи-олимлар томонидан турлича таърифланган ва пасайтириш усуллари кўрсатилган. АҚШ иқтисодчилари М.Круи, Д.Галаи, Р.Марк томонидан рискларни пасайтириш, асосан корхона рискларини юмшатиш бўйича стратегия сифатида қаралган бўлиб, унда рискдан қочиш, рискни ўтказиш, уни пасайтириш ва рискни ўз зиммасида сақлаб қолиш каби стратегиялар ва бу стратегияларга мос диверсификация, хежерлаш, лимитлаш, суғурталаш каби усуллар таклиф этилган [4] бўлса, Европа иқтисодчилари М. Меркова, Й. Драбек ва Д. Елачичлар рискларни пасайтиришга асосан лойиҳа рискларини таҳлил қилишнинг яқунловчи босқичи сифатида қараб, рискларни сифат ва миқдорий таҳлиliga асосланиб, уларни бартараф этиш ёки мумкин бўлган даражада пасайтириш бўйича

³ Martina Merkova, Josef Drabek. (2015). Use of Risk Analysis in Investment Measurement and Management. (<http://toc.proceedings.com/29281webtoc.pdf>). Access: 16.03.2022. Procedia Economics and Finance Volume 34, pp. 656-662.; Michel Crouhy, Dan Galai, Robert Mark. The Essentials of Risk Management. Published January 7th 2014 by McGraw-Hill Education. – 414 p.; Б.Т. Кузнецов. Инвестиции: Учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по направлению подготовки «Экономика» – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2017. – С. 623.; Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Т.: Молия, 2002. – Б. 303.; Мирзаев Ф.И. Молиявий рискларнинг турлари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усуллари. Монография. – Т.: Moliya, 2006. – Б. 130.

чора-тадбирлар тавсия этади [3]. Россиялик иқтисодчи Б.Т. Кузнецов: «Рискларни пасайтириш лойиҳа рискларини бошқариш босқичларидан бири ҳисобланиб, одатда рискларни пасайтириш учун диверсификация, суғурталаш, тақсимлаш ва захиралаш усулларидан фойдаланилади» [5], деб қайд этган. Мамлакат иқтисодчилардан Ш.З. Абдуллаева: «Тижорат банкларида рискларни минималлаштиришга риск стратегиясини ишлаб чиқиш орқали эришиш мумкин», деган фикрни билдириб, банк рискларини пасайтириш бўйича диверсификациялаш, суғурталаш, бошқага ўтказиб юбориш, кафолат олиш, гаров олиш, молиялаштириш бўйича захиралар ташкил қилиш усулларнинг самарали ишлашини қайд этиб ўтган [6]. Ф.И. Мирзаевнинг илмий ишларида “Рискларни назорат қилиш ва камайтиришнинг бир қанча усуллари қўлланилиб, бу аниқ комбинациялар у ёки бу бозорнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ»лиги, молиявий рискларини пасайтиришда фонд биржаси ва ҳисоб-китоб клиринг ташкилотлари томонидан молия бозори иштирокчиларига нисбатан муайян талабларнинг қўйилиши ва унга амал қилиниши, лимитлаш, тақсимлаш, захира фондларини ташкил этиш каби усуллардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ёритиб берилган [7].

Таҳлил ва натижалар

Амалиётда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги алоҳида рисклар таъсирини йўқотиш ёки юмшатиш учун бир қанча йўллардан фойдаланилади:

рискдан қочиш – риск билан боғлиқ тадбирлардан воз кечишни (демак, бунда фойдадан ҳам воз кечишни) билдиради;

рискни ушлаб қолиш – инвестор зиммасида рискни қолдириш, бунда инвестор ўз капиталини рискли тадбирларга йўналтираётганда, рисклардан кўриладиган зарарларни қоплашда захира маблағлари ташкил этилади;

рискни узатиш – инвестор рискни кимнингдир зиммасига (масалан, суғурта компаниясига) юклайди. Рискни суғурталаш, мантиқан олганда, муайян рискларни суғурта компанияларига бериш орқали рискдан қутилиш мақсадида даромаднинг бир қисмидан инвесторнинг воз кечиши тушунилади;

риск даражасини пасайтириш – асосан рискларни диверсификациялаш, лойиҳа қатнашчилари ўртасида тақсимлаш, лимитлаш, захиралаш (ўзини-ўзи суғурталаш), хежерлаш ҳамда суғурталаш усулларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Рискларни диверсификациялаш бир-бирига боғлиқ бўлмаган турли хил фаолиятлар ўртасида рискларни тақсимлаш ҳисобланади. Диверсификация

турли хил фаолиятлар ўртасида инвестицияларни тақсимлаш асосида рискнинг бир қисмидан қутулиш имконини беради (инвестиция портфелини шакллантириш). Инвестиция лойиҳасига таъсир қилувчи рискларни диверсификациялашнинг қуйидаги шакллари мавжуд: товар ва хизматлар, фаолият турлари бўйича диверсификациялаш; истеъмолчиларни диверсификациялаш; мол етказиб берувчиларни диверсификациялаш; лойиҳа қатнашчиларни диверсификациялаш.

Рискларни суғурталаш бу рисклардан оғиш ҳисобланиб, бунда мукофот эвазига рискларни суғурта компанияларига бериш орқали рискларни пасайтириш ҳисобланади. Инвестиция лойиҳаларига таъсир қилувчи рискларни суғурталаш жараёнида рискларни суғурталанадиган ва суғурталанмайдиган риск турларига ажратиш, суғуртанинг умумий ва ҳаётни суғурталаш билан боғлиқ шакллари ва уларнинг классларига ажратиш, суғурта ҳодисаси содир бўладиган шарт-шароитларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Сўнги йилларда менежерлар лойиҳани амалга ошириш жараёнида юзага келадиган турли хил ноқулай вазиятлардан инвестиция лойиҳасини суғурталашнинг комплекс дастурларига тобора кўпроқ мурожаат қилмоқдалар, бунинг сабаби, суғурта кучли ва ишончли молиявий восита сифатида ўзини намоён этишидир.

Суғурталашда энг кўп мулкни суғурталаш ҳамда бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш шакллари мурожаат қилинади. Мулкий суғурталашнинг қуйидаги шакллари мавжуд: моддий йўқотишлар ва зарарлардан ҳимоя қилиш мақсадида пудрат қурилишларини суғурта қилиш; денгиз ёки ҳаво транспортлари орқали ташилаётган юкларни суғурта қилиш; пудрат ташкилотларига тегишли бўлган асбоб-ускуналарни суғурта қилиш.

Бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилишнинг қуйидаги шакллари мавжуд: қурилиш қатнашчилари тана жароҳатлари, шахсий зарар ёки мулкий зарар кўрганларида бош пудрат ташкилотлари фаолиятини ҳимоя қилиш мақсадида умумий фуқаролик жавобгарлигидан суғурта қилиш; лойиҳалаштириш жараёнида архитекторлик ва техник нуқтаи назардан хатоларга йўл қўйилганда лойиҳаларни бошқаришда камчиликлар келиб чиққанда бош пудрат ташкилотини моддий жавобгарликдан суғурта қилиш.


Инвестиция рисклари бўйича суғурта хизматлари кўлами анча кенг бўлишига қарамай, айрим рискларни суғурта қилиш мумкин эмас.

Бизнинг фикримизча, инвестиция лойиҳасига таъсир қилувчи рискларни пасайтиришнинг аниқ воситасини танлашда ортиқча рискка йўл қўймаслик, риск оқибатларини ҳисобга олиш ҳамда кам самара учун қатта

риск қилмаслик мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда, рискларни пасайтириш йўллари қуйидаги 1-чизмада тўлиқ ифодаланган.

1-расм.

Рискларни пасайтириш усулининг кенгайтирилган таснифи ва изоҳи*



*Муаллиф томонидан иқтисодий адабиётларни ўрганиш асосида тузилди.

1-расмда тадбиркор ёки инвестор дуч келиши мумкин бўлган турли хил сугурталанмайдиган рисклар ва уларнинг салбий оқибатларини юмшатиш йўллари келтирилган.

1-жадвал.

**Суғурталаш билан боғлиқ бўлмаган рисклар ва уларни
пасайтириш йўллари ***

Риск тури	Рискнинг салбий таъсирини пасайтириш чора-тадбирлари
1. Тижорат rischi	Молиявий кўрсаткичлар нисбатининг мақбул даражасини тўғри аниқлаш. Муайян лойиҳага инвестицияларнинг башорат қилинган даромадини ошириш усулларини тўғри танлаш
2. Ресурсларни оптимал бўлмаган ҳолда тақсимлаш rischi	Ресурсларни мавжудлигига қараб тақсимлашда устуворликларни аниқ ва тўғри белгилаш. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг аниқлаш учун тўғри ва аниқ маркетинг тадқиқотлари. Матрица техникасидан фойдаланиш.
3. Иқтисодий тебранишлар ва миқдорлар дидининг ўзгариши билан боғлиқ рисклар	Самарали прогнозлаш ва режалаштириш
4. Рақобатчилар ҳаракатлари билан боғлиқ рисклар	Рақобатчиларнинг мумкин бўлган ҳаракатларини ўрганиш ва тахмин қилиш, шунингдек маркетинг ва ишлаб чиқариш фаолиятида уларни ҳисобга олиш бўйича фаолият
5. Ишчиларнинг норозилиги, уларнинг кетиши ёки иш ташлашига олиб келиши мумкин бўлган риск	Ходимлар учун пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий дастурлар, уларнинг талаб ва сўровларини инобатга олган ҳолда, мотивация муаммолари, қулай психологик муҳит яратиш ва ҳоказо.
6. Капиталдан пассив фойдаланиш, бир вақтнинг ўзида катта маблағларни битта лойиҳага жойлаштириш билан боғлиқ молиявий риск ва бошқалар.	Тўғри молиявий бошқарув, пассив маблағларни фойдали лойиҳаларга вақтинча жойлаштириш ёки фойдали кредитлар бериш. Асосийси, капитал ҳаракатсиз ётмай, балки ишлаши лозим. Рискнинг бир қисмини бошқа фирмаларга қиммат ва хавfli лойиҳаларни молиялаштиришга жалб қилиш, венчур капиталидан фойдаланиш орқали ўтказиш.
7. Менежерларнинг хатолари	Назорат ва текширишнинг янада пухта тизимини яратиш. Муҳим бизнес бўғинларида менежернинг хатоси жуда қимматга тушиши мумкин. Шу муносабат билан энг қиммат лойиҳаларни амалга оширишдаги хатоларнинг мумкин бўлган молиявий оқибатларини моделлаштириш фойдалидир.
8. Нархлар, талаб, фойда даражасининг ўзгариши билан боғлиқ рисклар	Аниқроқ прогнозлаш. Хеджерлаш ва рискни камайитиришнинг бошқа усулларини қўллаш.
9. Нотўғри танланган лойиҳа rischi	“Маъқул” ва “қарши” барча далилларни диққат билан текшириш. Лойиҳаларнинг алоҳида мураккаблиги шароитида вариантларни аниқроқ ҳисоблаш учун компьютер симуляциясидан фойдаланиш.
10. Лойиҳа (бизнес) учун жиддий оқибатларга олиб келадиган қутилмаган сиёсий воқеалар	Буни ҳар доим ҳам олдиндан айтиб бўлмайди ва суғурта қилиш мумкин эмас. Аммо буни форс-мажор ҳолатлари, яъни қандайдир ҳаётий ва психологик схемаларга эга бўлиш учун ҳисобга олиш керак.
11. Қутилмаган иқтисодий зарбалар ва табиий офатлар, экологик офатлар	Форс-мажор ҳодисаси сифатида эътиборга олиниши керак.
12. Миллий ва халқаро тартибсизликлар	Буни ҳисобга олиш ва тахмин қилиш мумкин. Ҳудуддаги миллий психологик шароитларни ҳисобга олган ҳолда, жамоатчилик билан алоқаларни тўғри йўлга қўйиш орқали жиддий оқибатлардан қочиш мумкин.
13. Қутилмаган ҳукумат қоидалари (қонунлардаги ўзгаришлар, нархлар, солиқлар ва бошқалар)	Ўзбекистонда бу айниқса муҳимдир. Шунинг учун асосий қонунларнинг қонуности ҳужжатларини диққат билан ўрганиш, шунингдек, вазиятни диққат билан кузатиб бориш керак. Мутлақо қутилмаган қарорлар содир бўлмайди. Улар жамоатчилик фикрини қайта ишлашдан кейин олдиндан тайёрланади.
14. Бутун компаниянинг молиявий параметрларига нисбатан кичик қийматли мулкни йўқ қилиш rischi	Ички чора-тадбирлар орқали ўзини-ўзи суғурталаш лозим.
15. Бир хил турдаги мулкнинг катта миқдорини йўқ қилиш rischi	Ўз-ўзини суғурталаш

*Муаллиф томонидан иқтисодий адабиётларни ўрганиш асосида тузилди.

Суғурта барча иштирокчилари ўртасида зарарни тақсимлашдан иборат. Суғурта яратилган пул фондининг мақсадлилиги билан тавсифланади, яъни унинг ресурслари олдиндан белгиланган йўқотишларни қоплаш учун сарфланади.

Қуйида берилган 2-жадвалда суғурта компаниялари томонидан замонавий шароитларда суғурта қилиши мумкин бўлган рисклар ва уларни пасайтириш йўллари берилган.

2-жадвал.

**Суғурталаш билан боғлиқ бўлган рискларни
пасайтириш йўллари***

Риск турлари	Рискнинг салбий таъсирини пасайтириш чора-тадбирлар
Ёнғин ва бошқа табиий офатлар	Мумкин бўлган зарар миқдорини суғурталаш
Автоҳалокаатлар	Автомобил суғуртаси
Ташиш пайтида юкнинг йўқ бўлиб кетиши ёки шикастланиш хавфи	Юк қийматини суғурталаш (денгиз, авиация ва транспортнинг бошқа турлари)
Компания ходимларининг эҳтиётсизлигидан келиб чиқадиган хавф	Ходимларнинг эҳтиётсизлигидан юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни суғурталаш
Компаниянинг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб туриш хавфи (турли сабаблар)	Тўхтатилган бизнеснинг бутун даври учун мумкин бўлган йўқотишлар миқдорини суғурталаш
Компаниянинг интеллектуал ёки бошқа малакали фаолиятига боғлиқ бўлган раҳбарнинг, етакчи ходимининг ўлими ёки касаллиги эҳтимоли.	Мумкин бўлган зарар миқдорини суғурталаш

*Муаллиф томонидан иқтисодий адабиётларни ўрганиш асосида тузилди.

Умуман олганда, суғуртанинг шаклланган суғурта муносабатлари тизимига кўра, қуйидаги турлари мавжуд: ҳамкорликда суғурталаш; икки томонлама суғурталаш; қайта суғурталаш; ўз-ўзини суғурталаш.

Ўзбекистонда суғурта иккита соҳага бўлинади: ҳаётни суғурталаш ва умумий суғурта. Ушбу суғурта турлари барча суғурта компаниялари томонидан муваффақиятли амалга оширилиб, 2022 йилнинг 1 октябрь ҳолатига республикада 41 нафар суғурталовчи (компания) мавжудлиги, улардан 33 таси умумий суғурта соҳасида, 8 таси эса ҳаётни суғурталаш соҳасида фаолият юритаётганлиги маълумдир.

Суғурта компанияларининг инвестиция жараёнларида иштирок этиш имкониятлари уларнинг инвестицион потенциали билан, яъни вақтинча суғурта мажбуриятларидан озод бўлган ва даромад олиш мақсадида инвестициялашга йўналтирилган пул маблағлари йиғиндиси билан белгиланади. Суғурта компаниялари икки хил инвестицион потенциалга эга: ўз маблағлари (устав капитали, ўз капитали ва тақсимланмаган фойда) ва жалб қилинган маблағлар (суғурта ходисалари рўй берганда тўланадиган,

суғурта мукофотларидан шакллантирилган суғурта заҳиралари).

Статистик маълумотларга эътибор берсак, 2022 йилнинг 1 октябрь ҳолатига республика бўйича суғурталовчиларнинг жами активлари ҳажми 1,838 трлн сўмга тенг бўлиб, ўтган шу даврга нисбатан 21,5 фоизга (ёки 325103 млн сўмга) ўсганлиги аниқланган (3-жадвал). 2022 йил 1 октябрь ҳолатига республика суғурталовчиларининг жами инвестициялари 4,365 трлн сўмга тенг бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 20,9 фоизга ошган. 2022 йилнинг 9 ойида суғурта компаниялари инвестицияларининг энг катта қисми 57,7 фоизи ёки 2,520 трлн сўм банк депозитларига қўйилган бўлган. Ундан кейинги ўринни турли қимматли қоғозларга киритилган инвестициялар эгаллаган (28,9 фоиз ёки 1,261 трлн сўм). Аммо кўчмас мулкни сотиб олишга йўналтирилган инвестициялар суғурта компаниялари амалга оширган жами инвестициялари таркибида жуда паст салмоққа эга (8 фоиз) ва корхона устав фондида қатнашишга йўналтирилган инвестициялар эса, умуман, ўтган йилга нисбатан деярли 30 фоизга камайганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

3-жадвал.

Суғурталовчиларнинг инвестиция портфели таркиби, млн сўмда*

Кўрсаткичлар	30.09.2021		30.09.2022		Ўзгариши, % да
	млн сўмда	жамига нисбатан % да	млн сўмда	жамига нисбатан % да	
Суғурта ташкилотларининг жами низом капитали	1 512 758	-	1 837 861	-	+21,5%
Жами инвестициялар, ш.ж.	3 609 643	100%	4 365 387	100%	+20,9%
Депозит қўйилмалар	2 096 657	58,1%	2 520 549	57,7%	+20,2%
Қимматли қоғозлар	1 003 211	27,8%	1 261 068	28,9%	+25,7%
Қарзлар	45 179	1,3%	64 411	1,5%	+42,6%
Кўчмас мулк	252 229	7,0%	348 386	8,0%	+38,1%
Корхона низом фондида қатнашиш	208 482	5,8%	146 900	3,4%	-29,5%
Бошқалар	3 886	0,1%	24 073	0,6%	+519,5%

*Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги сайти маълумотлари.
<https://imda.uz/uz/9-oylik-2022/>.

Ҳозирда шаклланган суғурта бозорининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари тизимли ёритилиши натижасида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. Бугунги кунда Ўзбекистондаги суғурта бозори суғурта соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ва бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда инвестициялаш мақсадларини амалга ошириш учун етарли даражада жозибадор бўлиб қолмоқда, деб ҳисоблаш мумкин. Сўнгги 10 йил ичида

аҳоли жон бошига тўғри келадиган жами суғурта мукофотлари 28,8 фоизга ўсганлигини ва суғурта мукофотларининг ЯИМга нисбати 2010 йилдаги 0,22 фоиздан 2020 йилда 0,37 фоизгача ошганлигини кузатиш мукин бўлди. Ушбу кўрсаткич Қозоғистондаги (0,82 фоиз) ва Россиядаги (1,44 фоиз) кўрсаткичлар билан таққосланганда ҳамон паст бўлса-да, аммо хориж экспертлар томонидан яхши ўсиш салоҳиятига эга, деб баҳоланмоқда[8].

2) Суғурталовчиларнинг инвестиция портфели таркиби таҳлил қилинганда, ўтган йилда ҳам, ҳисобот даврида ҳам суғурта компаниялари ўз инвестиция ресурсларининг аксарият қисмини (58,1 ва 57,7 фоизини) банк депозитига йўналтирганликларини ва шу аснода консерватив инвестиция стратегиясини танлаганликларини гувоҳи бўлмоқдамиз. Ўз табиатига кўра, суғурта иқтисодий тартибни барқарорлаштиришга, мамлакатда иқтисодий ўсишга ва жамиятдаги ижтимоий кескинликни пасайтиришга ҳисса қўшишини ҳисобга оладиган бўлсак, суғурта компанияларининг инвестиция жараёнларида янада фаол иштирокларини таъминлаш зарурлиги яққол кўринади.

Лимитлаш бир қарздор ёки қарздорлар гуруҳига бериладиган қарз маблағларининг максимал миқдори; юқори ликвидли активларнинг минимал миқдори; харидорларга бериладиган товар ёки истеъмол кредитларининг максимал миқдори; битта банкда жойлаштирилган депозитларнинг максимал миқдори; битта эмитентнинг қимматли қоғозларига қўйилган маблағларнинг максимал миқдори; маблағларни дебиторлик қарзларига йўналтиришнинг максимал муддати кабилар билан тавсифланади. Лимитлашда харажатлар чекланади, товарни кредитга сотишда, банклар томонидан кредит беришда ва инвестициялаш ҳажмини аниқлашда чегаравий миқдорлар белгиланади.

Фикримизча, инвестиция лойиҳаларига таъсир этувчи кредит рискларини пасайтириш мақсадида лойиҳаларига кредит беришни лимитлаш усулидан фойдаланиш ва бунда кредитлаш лимитини «анъанавий» ва «ноанъанавий» ёндашувлар асосида аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Инвестиция лойиҳаларига таъсир этувчи кредит рискларини пасайтириш ва самарали бошқариш мақсадида юридик шахслар учун кредитлаш лимити аниқланади. Жаҳон амалиётида кредитлаш лимитини аниқлашнинг «анъанавий» ёндашув тарафдорлари таъминотга қўйилган актив қийматидан, ўз капиталидан, тушум миқдоридан улуш ҳисоблаш усулларида фойдалансалар, «ноанъанавий» ёндашув тарафдорлари қарз олувчининг қандай кредит rischi гуруҳига мансублигига, кредитга лаёқатлилигига, молиявий коэффициентлар натижаларига боғлиқ бўлган синтетик кўрсаткичлар асосида аниқлаш усулларини қўллайдилар.

«Анъанавий» ёндашувда асосан учта усулдан фойдаланилади. Биринчи усулга кўра, таъминотга қўйилган актив қийматидан улуш ҳисобланиб, лимит белгиланади. Бунда гаровга қўйилаётган актив сифатида кўчмас мулк объектлари, транспорт воситалари, ускуналар, тайёр маҳсулотлар, товарлар, хом ашё захиралари, қимматбаҳо қоғозлар қабул қилинади. Гаровга кўчмас мулк қўйилса, унинг қийматининг 70-80 фоиз миқдорида, транспорт воситалари ва товар-моддий қийматликларнинг 50-70 фоиз миқдорида лимит белгиланади. Иккинчи усулга кўра, ўз капитали миқдоридан улуш ҳисоблаб, лимит белгилашда корхонага тегишли ўз капитали қийматининг 50 фоизи миқдорида лимит белгилаш қабул қилинган. Шунингдек, учинчи усулга кўра, «корхона тушуми миқдоридан улуш ҳисоблаб, лимит белгилашда айланма маблағларни тўлдириш учун корхонанинг бир ойлик тушумининг 100 фоизи миқдорида, ишлаб чиқариш ёки савдони кенгайтириш мақсадида 200 фоизи миқдорида, хизмат кўрсатишга кредит олиш учун эса 300 фоиз миқдорида лимит белгиланиши қабул қилинган» [9].

«Ноанъанавий» ёндашувнинг биринчи усулига кўра, синтетик коэффициент (рейтинг) қарз олувчи қандай риск гуруҳига мансублигидан келиб чиқиб аниқланади. Рейтинг 1 дан 15 та гуруҳгача ўзгариши мумкин. Минимал риск қарз олувчининг 1-рейтингга тегишли эканлигини, максимал риск унинг 15-рейтингга тўғри келишини билдиради.

Иккинчи усул – синтетик коэффициентни қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини акс эттирувчи маълум оғирликдаги коэффициентлар йиғиндиси сифатида ҳисобланади (бунда молиявий таҳлил коэффициентлари, тадбиркорлик фаолияти, кредит тарихи, кредитга лаёқатлилиқни баҳолашда қўлланиладиган рисклар ҳисобга олинади). Молиявий таҳлил коэффициентлари орасида ликвидлик, қоплаш коэффициентлари, капиталнинг таркибий тузилиши, рентабеллик кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Республикамизнинг банк фаолиятига алоқадор айрим меъёрий ҳужжатларида лимитлаш усулидан фойдаланиш бўйича талаблар мавжуд. Бироқ, уни ишлаб чиқиш методологиясига қўйилган талаб ва кўрсатмалар йўқлиги сабабли банклар ўзларининг тижорат фаолиятидан келиб чиқиб, кредитлашда лимитлаш усулини қўллаш бўйича ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқади.

Тижорат банклари мажбурий лимитлардан ташқари, банкнинг кредит сиёсати ёки рискларни бошқариш сиёсатига асосан кредитлаш фаолиятига қўшимча чекловларни ўрнатиши мумкин. Лимитлар тижорат банклари томонидан иқтисодиёт соҳалари ёки тармоқлари, ҳудудлар бўйича, қарз

олувчининг фаолият соҳаси тури бўйича, кредит маҳсулотларининг алоҳида турлари бўйича, алоҳида битта қарз оловчи учун ҳам белгиланиши мумкин. Шу билан бирга, бош банк рискларни самарали бошқариш ва таркибий бўлинмалар фаолиятини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш мақсадида кредит портфелида муаммоли кредитлар ҳажмининг ошиб кетишини олдини олиш учун ҳам лимитлар белгилаб бериши тўғри ҳисобланади. Фикримизча, банкнинг барча таркибий бўлинмалари бир соҳа ёки тармоққа тегишли йирик корхона ёки ташкилотларга боғланиб қолишини олдини олиш мақсадида банклар фаолиятида лимитларни белгилашда диверсификациялаш усулини комплекс қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бунда банк бўлинмаси кредит портфелида иқтисодийнинг маълум бир соҳаларига ажратган кредитлари белгиланган лимитлардан ортиб кетса, ушбу таркибий бўлинма белгиланган тартибда огоҳлантирилади ва ўз фаолиятини бошқача тартибда юритишга мажбур бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, рискларни камайтириш учун лимитлаш усулини қўллаш мақсадга мувофиқ ва инвестиция лойиҳаларини кредитлашда лимитини кредит учун таъминот сифатида қўлланилган активлар қийматидан, ўз маблағларидан ва тушумлар миқдоридан, шунингдек, қарз оловчининг қандай кредит rischi гуруҳига мансублигидан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур.

Риск орқали кўрилган зарарларни қоплаш молиявий захираларни ташкил этишни кўзда тутлади. Кўзда тутилмаган зарарларни қоплаш учун молиявий захираларни ташкил этиш орқалигина лойиҳани амалга оширишда вужудга келадиган узилишларни бартараф этиш мумкин.

Молиявий захираларни ташкил этишда қуйидагиларни, яъни кўзда тутилмаган ҳаражатларни қоплаш учун керакли бўлган маблағ миқдорини, кўзда тутилмаган ҳаражатларни қоплаш учун керакли бўлган захиранинг таркиби, белгиланган захиралардан фойдаланиш мақсадларни аниқлаш лозим.

Корхонада захиралаш усулидан фойдаланиш қуйидаги ҳолларда зарур: рискни камайтиришнинг бошқа усуллари билан таққосланганда захиралашдан фойдаланишнинг иқтисодий фойдаси кўпроқ бўлганда; корхона рискларини зарур даражага камайтириш ёки қоплашда рискларни бошқаришнинг бошқа усулларини қўллаш мумкин бўлмаганда.

Захира ҳосил қилиш орқали ўз-ўзини суғурталашнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

1. Корхонанинг захира фондини шакллантириш. У қонун ҳужжатлари ва корхона низоми талабларига мувофиқ тузилади. Уни яратишдан мақсад –

кутилмаган харажатларни, кредиторлик қарзларини, хўжалик юритувчи субъектни тугатиш харажатларини қоплаш; облигациялар бўйича фоизлар ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни корхона фойдаси етарли бўлмаган пайтда тўлаш. Ўзбекистонда мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, корхоналар учун мажбурий захира фонди ташкил этилиши белгилаб берилган. (Акциядорлик жамиятида унинг низом фондининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этиш мажбурий ҳисобланади, масъулияти чекланган жамиятларга ҳам захираларни ташкил қилишда мазкур нормалар ихтиёрийлиги белгилаб берилган) [10].

2. Мақсадли захира фондларини шакллантириш. Бундай захира фондларининг рўйхати, уларни шакллантириш манбалари ва улардаги ажратмаларнинг миқдори корхона низоми ва бошқа ички норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

3. Компаниянинг айланма маблағларининг алоҳида элементлари учун моддий ва молиявий ресурсларни захиралаш. Асосан, пул маблағлари, хом ашё ва материаллар, тайёр маҳсулотлар учун захиралар яратилади.

4. Ҳисобот даврида олинган фойданинг тақсимланмаган қолдиғи. Тақсимланмаган фойда, агар керак бўлса, индивидуал рискларнинг салбий оқибатларини бартараф этишга йўналтирилган молиявий ресурслар захираси сифатида қаралади.

Шу ўринда, фикримизча, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг айрим мамлакатлари шароитида (масалан, Россия Федерациясида) «молиявий захиралар лойиҳани амалга ошириш харажатларининг 20 фоизини ташкил этиши, чет элларда бу 5 фоизга тенг» [5] эканлигини инобатга олиб, инвестиция лойиҳаларига таъсир қилувчи рискларни лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимлаш, суғурталаш ва кутилмаган харажатларни қоплаш учун лойиҳа қийматининг 10 фоизи миқдорида захиралаш орқали пасайтиришни тавсия этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хежерлаш – бу ишлаб чиқарувчи учун номақбул бўлган маҳсулот қийматини пасайиши ёки харидор учун ноқулай бўлган нархларнинг ўсиш risksдан суғурта қилиш. Банк, биржа ва тижорат институтлари валюта рискларини суғурталаш учун хеджерлашга мурожаат қиладилар. Хежерлашнинг икки хил операциялари мавжуд – бири оширишга, иккинчиси камайтиришга қаратилган. Сотиб олиш учун тузилган хеджерлашда фьючерс шартномалари ёки опционларини сотиб олиш учун биржа битими тузилади ва шу тариқа, компаниялар келажакда нархларнинг (курсларнинг) мумкин бўлган ўсишидан ҳимояланади. Сотиш учун тузилган хеджерлашнинг мақсади ишлаб чиқарувчи учун келажакда нархларнинг тушишини олдини олишга

ёрдам бериш ҳисобланади.

Хулоса ўрнида қайд қилиш мумкунки, инвестиция лойиҳаларига таъсир этувчи риск турларини пасайтиришда диверсификациялаш, суғурталаш, рискларни лойиҳа қатнашчилари ўртасида тақсимлаш усулларидан ташқари лимитлаш, моддий ёки молиявий захиралар ажратиш, ўз-ўзини суғурталаш каби усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса

Инвестиция лойиҳаларига таъсир қилувчи риск даражасини пасайтириш йўлларига оид тадқиқот натижаси қуйидаги хулосаларни шакллантириш, илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди:

1. Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини таъминлашда рисклар таҳлили ҳал қилувчи рол ўйнайди ва бундай таҳлилда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнида юзага келган ҳолатнинг тасодифий хусусияти, муқобил қарорларнинг мавжудлиги, кутилажак натижанинг эҳтимолини аниқлаш мумкинлиги ҳисобга олинади.

2. Рискни пасайтиришга қаратилган энг мақбул сиёсатни танлаш масаласи микроиктисодий назария доирасида ҳал этилади. Тегишли натижа шуни кўрсатадики, рискларни самарали баҳолаш, бошқариш ва уларни пасайтириш сиёсати шундай бўлиши керакки, бу сиёсатни амалга оширишнинг маржинал қиймати уни қўллаш орқали тақдим этилган маржинал фойдалиликка мос келади. Бироқ, рискларни баҳолаш, бошқариш ва уларни пасайтиришга бўлган талабларнинг юқори бўлганлиги туфайли, бу тамойилни амалда қўллаш қийин. Аслида, оддийроқ мезонлар қўлланилади, масалан, рискни мақбул даражага камайтириш чоралари учун минимал харажатлар амалга оширишга ҳаракат қилинади.

3. Муайян ҳолатларда рискни камайтириш воситаларини танлаш уни башорат қилиш қобилиятига боғлиқ. Шундай қилиб, маълум, тез-тез юзага келадиган рискларни махсус ишлаб чиқилган олдини олиш чоралари ёрдамида камайтириш мумкин. Масалан, омборларга сигнализация ўрнатиш, моддий бойликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш устидан ҳисоб ва назоратнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш натижасида йўқотиш рискини камайтириш мумкин.

4. Ривожланган давлатларда лойиҳа бўйича рискларни олдини олиш учун захира миқдори лойиҳани амалга ошириш харажатларининг 5 фоизини, МДХ давлатларида эса бу кўрсаткич 20 фоизни ташкил этишини ва Ўзбекистонда мажбурий захира корхона низом капиталининг 15 фоизи

миқдорида белгиланганлигини инобатга олиб, лойиҳа қийматининг 10 фоизи миқдорида қўшимча захира фондини ташкил этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

5. Тижорат банклари мажбурий лимитлардан ташқари, банкнинг кредит сиёсати ёки рискларни бошқариш сиёсатига асосан кредитлаш фаолиятига қўшимча чекловларни ўрнатиши мумкин. Банклар кредит таъминотида қўйилган актив қийматидан, ўз капитали ва тушум миқдоридан улуш ҳисоблаш орқали ҳамда қарз олувчининг қандай кредит rischi гуруҳига мансублигидан келиб чиқиб, инвестиция лойиҳаларига кредит бериш лимитини белгилаши мақсадга мувофиқдир.

6. Инвестиция лойиҳаларига таъсир қилувчи рискларни пасайтириш усулларининг ҳар бири маълум афзалликларга ҳам, камчиликларга ҳам эга. Шунинг учун, одатда, ушбу рискларни пасайтириш усулларининг маълум комбинацияларидан фойдаланиш афзал ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – <https://lex.uz/ru/docs/5841063>

2. Халқаро Иқтисодий Форум (World Economic Forum) ҳисоботи. – https://www3.weforum.org/docs/WEF_The_Global_Risks_Report_2022.pdf.

3. Martina Merkova, Josef Drabek. (2015). Use of Risk Analysis in Investment Measurement and Management. (<http://toc.proceedings.com/29281webtoc.pdf>). Access: 16.03.2022. Procedia Economics and Finance Volume 34, pp. 656-662.

4. Michel Crouhy, Dan Galai, Robert Mark. The Essentials of Risk Management. Published January 7th 2014 by McGraw-Hill Education. – 414 p.

5. Б.Т. Кузнецов. Инвестиции: Учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по направлению подготовки «Экономика» – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2017. – С. 623.

6. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Т.: Молия, 2002. – Б. 303.

7. Мирзаев Ф.И. Молиявий рискларнинг турлари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усуллари. Монография. – Т.: Moliya, 2006. – Б. 130.

8. Insurance market: Results and Trends of 2020 and 1Q2021. <https://avestagroup.com/en/2021/07/02/рынок-страхования-итоги-и-тенденции-2020/>.

9. Кох Л.В., Фролов К.Д. Лимитирование как способ управления кредитным риском в коммерческом банке. –

<https://cyberleninka.ru/article/n/limitirovanie-kak-sposob-upravleniya-kreditnym-riskom-v-kommercheskom-banke-1>

10. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири, ЎРҚ-370-сон, 6 май 2014 йил.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Темиров Абдулазиз Алимжанович

*иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail: abdulaziz38@mail.ru
ORCID:0000-0002-6482-3482*

Аннотация

Мақолада муаллиф томонидан тижорат банкларида корпоратив бошқарувни ташкил этиш асослари, тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Муаллиф банк рискларини бошқариш билан боғлиқ вазиятнинг мураккаблигини корпоратив бошқарув даражасининг пастлиги билан изоҳлайди, банк омонатчиларининг банк молиявий ресурсларининг катта қисмини шакллантиришдаги ўрни катта бўлгани билан уларнинг банк корпоратив бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқлари деярли ҳисобга олинмаслигига эътибор қаратади ва унинг сабабларини очиқ беришга ҳаракат қилган. Муаллиф томонидан корпоратив бошқарувнинг умумий ёндашувларини банклар доирасида кўриб чиқишга ҳаракат қилинган ва унинг асосий томонлари ўрганилган. Шунингдек банкларда корпоратив бошқарувни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, корпоратив бошқарув, манфаатдор томонлар, банк назорати, Базель қўмитаси, директорлар кенгаши, омонатчилар, банк бошқаруви, молиявий жиҳатлар, молиявий воситачилик.

ОСОБЕННОСТИ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Темиров Абдулазиз Алимжанович

*кандидат экономических наук, доцент
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: abdulaziz38@mail.ru
ORCID:0000-0002-6482-3482*

Аннотация

В статье автором освещены основы организации и особенности корпоративного управления в коммерческих банках. Сложность ситуации с управлением банковскими рисками автор объясняет низким уровнем корпоративного управления, обращает внимание на то, что при большой роли вкладчиков банка в формировании значительной части финансовых ресурсов банка их права на участие в корпоративном управлении банком практически не учитываются, и пытается раскрыть его причины. Автор попытался рассмотреть общие подходы к корпоративному управлению в

рамках банков и исследовал его основные аспекты. Также разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию корпоративного управления в банках.

Ключевые слова: коммерческие банки, корпоративное управление, заинтересованные стороны, банковский надзор, Базельский комитет, совет директоров, вкладчики, банковское управление, финансовые аспекты, финансовое посредничество.

CORPORATE GOVERNANCE IN COMMERCIAL BANKS AND ITS FEATURES

Temirov Abdulaziz Alimzhanovich

Candidate of Economic Sciences, Associate Professor

Tashkent State the University of Economics

E-mail: abdulaziz38@mail.ru

ORCID:0000-0002-6482-3482

Abstract

In the article, the author highlights the basics of organization and features of corporate governance in commercial banks. The author explains the complexity of the situation with bank risk management by the low level of corporate governance, draws attention to the fact that with the large role of the bank's depositors in the formation of a significant part of the bank's financial resources, their rights to participate in the corporate governance of the bank are practically not taken into account, and tries to reveal its reasons. The author tried to consider general approaches to corporate governance within banks and investigated its main aspects. Proposals and recommendations for improving corporate governance in banks have also been developed.

Keywords: commercial banks, corporate governance, stakeholders, banking supervision, Basel Committee, board of Directors, depositors, banking management, financial aspects, financial intermediation.

Кириш

Тижорат банклари фаолиятида кечаётган муҳим институционал ўзгаришлардан бири сифатида корпоратив бошқарув тизимининг шакллантирилаётганини алоҳида таъкидлаш керак. “Ўзбекистон Республикаси банк тизими бугунги кунда банк хизматларининг аънавий соҳалари - кредитлаш, депозит операциялари, ҳисоб-китоб ва касса каби хизматларини кўрсатувчи тижорат банкидан ташкил топган. Мамлакатимиз мустақиллиги даврида банklar давлат иштирокидаги корхоналарни ва давлат ривожланиш дастурларини имтиёзли фоиз ставкаларида молиялаштиришга фаол жалб этган ҳолда муайян мақсад ва вазифалар учун ташкил этилди. Натижада имтиёзли кредитларнинг банк тизими умумий портфелидаги улуши 60 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда. Банк секторида давлат устун

мавқега эга - 31 та банкдан 13 тасининг капиталида давлат иштироки мавжуд бўлиб, уларнинг капитали банк тизими жами капиталнинг 87 фоизидан кўпроғини, активлари эса умумий активларнинг 85 фоизидан кўпроғини ташкил қилади” [1].

Тижорат банкларида ташкил этилган корпоратив бошқарув уларда ўз маблағларини жойлаштирган хўжалик субъектлари ва аҳолининг, шунингдек, банклараро кредит бозоридаги контрагент банклар, қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритувчи инвесторларнинг ишончини шакллантиришдаги асосий омил бўлиб ҳисобланади. Тижорат банклари фаолияти билан боғлиқ рискларни ҳар томонлама баҳолаш масалалари ҳам банк тизимининг ишончилиги ва барқарорлигини ошириш, банклар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда унинг барча иштирокчиларининг қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Банкларнинг иқтисодиётда молиявий воситачи сифатидаги ролини беқиёслиги, самарасиз корпоратив бошқарув натижасида юзага келиши мумкин бўлган потенциал қийинчиликларга нисбатан банкларнинг юқори таъсирчанлиги, шунингдек, омонатчилар маблағларини ҳимоялашнинг зарурлиги инобатга олинса, банкларида корпоратив бошқарув ниҳоятда муҳим эканлиги ойдинлашади. Шундай экан, банкларда корпоратив бошқарувни самарали ташкил этиш масаласига республикамиз банк тизимида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади сифатида эътибор қаратилмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Корпоратив бошқарув тушунчасини кўпинча манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар тизими сифатида талқин қилиш кенгроқ тарқалган. Ушбу таъриф кўплаб ташкилотлар ва тадқиқотчилар томонидан фойдаланилади. Банкларда корпоратив бошқарув мавзусига оид адабиётлар таҳлилини ўтказиш натижасида турли тадқиқотларда банк корпоратив бошқарувининг алоҳида жиҳатлари кўриб ўтилган. Жумладан, Банк назорати бўйича Базел кўмитасининг “Банклар учун корпоратив бошқарув тамойиллари” (Corporate governance principles for banks) ҳужжатида корпоратив бошқарув “Компания (ташкилот)нинг вазифаларини аниқлаш ва уларга эришишни назорат қилиш механизми сифатида унинг юқори раҳбарияти, унинг кузатув кенгаши, эгалари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар тизими” сифатида талқин этилади. Бундай тизим ваколат ва жавобгарликни тақсимлашни ташкил этиш, шунингдек, корпоратив қарорлар қабул қилиш жараёнини ташкил этиш имконини беради” [2].

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) корпоратив бошқарувга оддийгина қилиб “компаниялар (ташкilotлар) бошқариладиган ва назорат қилинадиган тизим” сифатида таъриф беради. OECD нинг корпоратив бошқарув тамойилларига мувофиқ, янги тажрибалар эгалланган ҳамда бизнес шароитлари ўзгарган пайтда корпоратив бошқарув тизимининг турли қоидалари қайта кўриб чиқилиши, ва зарур ҳолларда, уларга тузатишлар киритилиши лозим [3].

Банк корпоратив бошқаруви бўйича америкалик мутахассислар Дж.Мэйси ва М.О’Хара “Банкларнинг кузатув (директорлар) кенгаши аъзолари акциядорлар билан кредиторларнинг манфаатларига тенг равишда ғамхўрлик қилишлари керак” деб ҳисоблайдилар [4].

Банклардаги корпоратив бошқарув “Банк фаолиятида қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни” деб қараладиган нуқтаи назар мавжуд. Россиялик тадқиқотчи А.Мурычев томонидан банк фаолиятида корпоратив бошқарув иқтисодий категорияси шакллантирилган бўлиб, унда “Корпоратив банк бошқаруви мулкдорлар ва ёлланма бошқарувчилар ўртасидаги бошқарув функцияларини тақсимотига асосланган инновацион қарорларини ишлаб чиқиш ва банкнинг стратегик масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш, амалга оширилишини мониторинг қилиш жараёни” ҳисобланади [5].

Корпоратив бошқарув банк бошқарув органлари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар мажмуи эканлиги кўпчилик тадқиқотчиларнинг илмий асарларида ўз аксини топган. Хусусан, россиялик иқтисодчи олим Р.Каспина корпоратив бошқарувни “унинг қатнашчилари - бошқарув, назорат (бошқарув кенгаши ва аудит кўмитаси) ҳамда фойдаланувчи функциялари (инвесторлар, кредиторлар ва бошқа фойдаланувчилар) ўртасидаги ўзаро алоқалар сифатида кўради” [4]. Унинг фикрича, корпоратив бошқарув компаниянинг бозор қийматини яратиш ва ошириш учун корпоратив фаолиятни бошқариш ва назорат қилишнинг ички ва ташқи механизмларидан иборат.

Ўрганишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, корпоратив бошқарувни банкнинг манфаатдор томонлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими сифатида кўриб чиқилган. Демак, корпоратив бошқарув қоидаларни белгиловчи ва компания (ёки банк) эгалари, унинг менежерлари, ишчилари ва ташкilot фаолиятига таъсир кўрсатадиган бошқа манфаатдор шахслар ўртасидаги муносабатлар механизмини белгиловчи бошқарув тизимидир дея талқин қилиш мумкин.

Тадқиқот методологияси. Мақолада банкларда корпоратив бошқарувни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган тадқиқотларни ўрганиш, таъриф ва тушунчаларнинг шаклланишини қиёсий солиштириш, маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Банкларда корпоратив бошқарув масаласига ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб тадқиқотчиларнинг қизиқиши орта бошлади. Аҳоли ва корхоналар томонидан банк маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиб бориши тижорат банкларида корпоратив бошқарувни самарали ташкил этишга масалаларига эътибор қаратиш зарурлиги кўрсатди.

Тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларини қуйидагича келтириш мумкин:

1. Банк фаолиятида мулкдорлар ва менежерлар (ижро органи) ўртасидаги муносабатлар саноат ва савдо соҳаси корхоналарига қараганда анча мураккабдир. Бу мураккаблик асосан банкнинг назорат органлари томонидан қаттиқ тартибга солиниши, кўплаб мамлакатларнинг банк тизимларида давлат капиталининг улуши катта эканлиги, шунингдек банк сирини каби ҳолатлар туфайли ахборот асимметриялари (бозор муносабатларининг турли иштирокчилари ўртасида маълумотларнинг нотекис тақсимланиши)нинг жиддийлиги каби омиллар билан боғлиқ.

2. Молиявий воситачилик функциясини амалга ошириш учун банклар ихтиёридаги ўз маблағларининг миқдори бошқа соҳа корхоналарга қараганда анча кам ҳисобланади, ўз навбатида банклар депозитлар жалб қилиш операциялари орқали ушбу бўшлиқни тўлдирадilar.

3. Кредит маблағларининг кўпайиши банк пасивларининг риск даражасини ортишига олиб келади. Банк пасивлари ва активларининг тузилмалари ўртасидаги вақтинчалик сезиларли тафовут ўз навбатида банк омонатчиларининг ишончини йўқолишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли ҳам банк фаолиятининг рискка мойиллиги аксар мамлакатларда депозитларни мажбурий суғурта қилишга мажбурлаб қўяди.

Бундай ўзига хос ҳолатлар банк бошқарувида рискларни бошқариш банк фаолиятининг биринчи даражадаги вазифасига айланади, у банкларда ички назорат тизимининг муҳим элементи га айланади. Бошқа томондан эса, рискларни бошқариш банк фаолиятининг биринчи даражадаги вазифаси бўлиб, у банкларда ички назорат тизимининг муҳим элементи га айланади. Банк назорати бўйича Базель қўмитаси банк рискининг 12 тоифасини, яъни тизимли, стратегик, кредит, мамлакат, бозор, фоиз, ликвидлик, валюта,

операцион, ҳуқуқий, репутацион, мувофиқлик каби рискларга ажратади [6]. Рискларни самарасиз бошқариш уларнинг бир қарз олувчига нисбатан юқори концентрациясида, филиаллар ва алоқадор шахсларни ортиқча кредитлашда, қисқа муддатли кредит сиёсатида, асосий ходимларнинг фаолияти устидан етарли даражада назорат қилинмасликда ва бошқаларда акс этади.

Ривожланаётган мамлакатлардаги банк рискларини бошқариш билан боғлиқ вазиятнинг мураккаблиги биринчи навбатда, корпоратив бошқарув даражасининг пастлиги билан изоҳланади. Бунда жиддий манфаатлар тўқнашуви ва улар ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг ривожланмаган тизими доирасида самарасиз ҳал этилиши, ички назорат тизими доирасида рискларни бошқариш муаммосига кузатув кенгашларининг етарли даражада эътибор бермаслиги, ахборотларнинг ошкор этишдаги камчиликлар, малакали ҳамда мустақил ташқи аудит ўтказишга қодир миллий фирмаларнинг камлиги ва бошқаларда кўзга ташланади. Бошқача қилиб айтганда, банкларда рискларни самарали бошқариш ва тўғри ташкил этилган корпоратив бошқарув тизими “бир танганинг икки томонидир”[7].

Тижорат банкларида асосий молиявий ресурс базасини шакллантирувчилар - мулкдорлар ва омонатчилар томонидан банк бошқаруви (ижро органи) фаолиятини назорат қилиш механизмларини жорий этиш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Агар банк корпоратив бошқарувида мулкдорларнинг бошқа акциядорлик жамиятларидаги каби корпоратив бошқарув тажрибасини ифодалаш имкони бўлганида эди, банк корпоратив бошқарувида омонатчилар муҳим роль ўйнаган бўлар эди. Фақат омонатчиларгина банк молиявий ресурсларининг катта қисмини шакллантирадилар, аммо уларнинг банк корпоратив бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқлари деярли ҳисобга олинмайди. Бунинг асосий сабаби сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

1. Корпоратив бошқарувнинг мавжуд назарияларида банк корпоратив бошқарувида омонатчиларнинг роли тўғрисидаги муаммога изоҳ топиш қийин ёки йўқ ҳисобида.

2. Банк корпоратив бошқарувида омонатчиларнинг ўрни ва роли муаммосининг кучсиз назарий асослари банк регуляторларига, шунингдек акциядорлар ва менежментга омонатчиларни корпоратив бошқарувдаги ҳуқуқларини эътиборга олмасликка имкон яратмоқда. Хусусан, банк регуляторлари томонидан қабул қилинаётган қонунчилик базасида мазкур муаммонинг ечимига ҳеч қандай ўрин берилмаган, акциядорлар ва менежерлар томонидан банкнинг корпоратив бошқаруви бўйича ишлаб чиқилган ички меъёрий ҳужжатлар ҳам корпоратив бошқарувда

омонатчиларнинг қатнашиш ҳуқуқларини таъминламайди.

Банк корпоратив бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган банк регулятори - Марказий банкларининг корпоратив бошқарувдаги роли кўпчиликнинг диққатини тортган ҳамда мазкур йўналишда маълум натижаларга ҳам эришилган. Хусусан, иқтисодчи олимлар томонидан молиявий тизим билан корпоратив бошқарув регулятори бўлган Марказий банкнинг роли ўртасидаги боғлиқлик ўрнатилган. Масалан, молия бозорининг америка моделида банк секторининг корпоратив бошқарувида асосий регуляторлик ролини қимматли қоғозлар ва фонд биржаси бўйича давлат комиссияси бажаради, Марказий банк(лар) эса иккиламчи роль ўйнайди. Молия бозорининг Европа моделида эса регуляторлик роли марказий банкка юклатилган бўлса, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси бўйича давлат комиссияси эса иккиламчи роль ўйнайди [8].

Маълумки, корпоратив бошқарувнинг агентлик назарияси корпоратив бошқарувни принципал (мулкдорлар)ларнинг агентлар (банк менежерлари) фаолиятини назорат қилиш тизими сифатида талқин қилади. Бироқ, давлат регулятори - учинчи ташқи кучнинг менежерлар ва бозорга ўз қоидаларини киритиши билан агентлик муносабатлари мураккаблашади. Агар оддий компанияларда топ-менежмент унинг эгалари манфаатлари учун ҳаракат қилиши ва талабларини бажариши керак бўлса, у банк секторида регуляторнинг талабларига қатъий риоя қилиши керак бўлади. Бу ҳолатда регулятор жамоатчилик, жумладан банк омонатчиларининг манфаатларини банк мулкдорлари ва менежерларидан фарқли равишда ҳимоячиси сифатида майдонга чиқади [9].

Корпоратив бошқарув соҳасидаги ахборот шаффофлиги кузатув кенгаши ва топ-менежерларнинг банк акциядорларига ҳисобдорлик тамойилини амалга ошириш учун зарурдир. Базель қўмитаси талабларига кўра, банклар куйидаги маълумотни ошкор қилишлари керак:

директорлар кенгаши (сони ва таркиби, қўмиталари ва уларнинг таркиби, директорлар малакаси);

топ менежерлар (масъулияти, ҳисобдорлиги, малакаси, тажрибаси);

банкнинг ташкилий тузилмаси (функционал ва операцион бўлинмалар, бизнес бирликлари);

директорлар кенгаши аъзолари ва топ-менежерларнинг моддий рағбатлантириш тизими (мукофот сиёсати, акциялар сотиб олиш учун бонуслар, имтиёзлар ва имкониятлар ҳақида маълумот);

аффилиланган ва боғлиқ жисмоний ва юридик шахслар билан тузилган битимларнинг моҳияти ва ҳажми.

Банкларда корпоратив бошқарувнинг яна бир назарий асосга эга бўлмаган муҳим жиҳатларидан бири бўлган корпоратив бошқарувнинг шаффофлигини таъминлашдаги махфий (конфиденциал) маълумотларнинг катта ҳажми ҳисобланади. Банклар мураккаб, технологик жиҳатдан шаффоф бўлмаган операцияларни амалга оширадilar, бу эса ахборот ассиметрияси деб аталади. Унинг моҳиятини қуйидагича ифодалаш мумкин: банк операцияларига жалб қилинган маъсуллар (инсайдерлар) бош менежерларга ўз манфаатларини кўзлаб, манипуляция қилишга имкон берадиган янада тўлиқ ва аниқроқ маълумотларга эга бўладилар. Бу эса мантиқан, осон бойитиш учун шароитлар (тахдид, рэкет ва б.) яратилганини ифодалайди. Ушбу муаммо транзакцион харажатлар назариясида ўзининг ибтидосини топади ва бошқарув оппортунизми деб аталади. Шу сабабли ҳам менежерлар ишининг шаффофлиги, ҳисобдорлиги ва назоратини ўрнатиш зарурати кескинлашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Тижорат банклари фаолиятида унинг омонатчилари салмоқли ўринга эга.
2. Марказий банк корпоратив муносабатларнинг регулятори сифатида майдонга чиқади.
3. Банк корпоратив бошқарувида банк фаолиятининг шаффофлиги муҳим роль ўйнайди.

Ўрганишлар асосида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларини банк амалиётининг умумий тавсифини беришга, шунингдек корпоратив бошқарувнинг умумий ёндашувларини банклар доирасида кўриб чиқиш керак деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун асосий эътиборни учта масалага қаратилади:

1. Банкларда самарали корпоратив бошқарув тамойиллари.
2. Банк рискларини бошқариш соҳасидаги корпоратив муносабатлар асосий иштирокчиларининг мажбуриятлари.
3. Банкнинг мижози бўлган компанияларда корпоратив бошқарув даражасини баҳолаш усуллари.

Маълумки, банкларда самарали корпоратив бошқарув тизими Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тамойилларга асосланган бўлиб, унинг моҳияти қуйидагиларда намоён бўлади:

корпоратив хулқ-атвор кодекси ва бизнес этикаси стандартларида қайд этилган корпоратив маданият қадриятлари, шунингдек ушбу қадриятларга амалда содиқликни таъминлайдиган тизим;

банклар ва алоҳида олинган шахсларнинг иш натижаларини баҳолайдиган ривожланиш стратегияси;

қарор қабул қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг аниқ тақсимланилиши;

бошқарув кенгаши, топ-менежмент ва аудиторлар ўртасида самарали ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизми;

ишончли ички назорат тизими ва рискларни бошқариш хизмати;

манфаатлар тўқнашувининг юқори эҳтимоли билан тавсифланадиган банкнинг муайян соҳаларидаги рискларни доимий мониторинг қилиш. У ўз навбатида банкнинг аффилиланган ва ўзаро боғлиқ шахслар, йирик акциядорлар ва юқори даражали менежерлар сифатидаги қарз олувчиларни, қолаверса, йирик битимларни амалга оширувчи шахсларнинг фаолиятини ўз ичига олади;

ижро органи ва бошқа ходимларнинг тўғри ишлаши учун шароит яратадиган молиявий ва карьера (мартаба) имтиёзларининг комбинацияси;

банкнинг ички эҳтиёжлари, шунингдек ташқи контрагентлар учун зарур бўлган шаффоф ахборот оқимлари тизимлари [2].

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, банк кузатув кенгашининг сон таркиби жамият устави билан белгиланади. Акциядорларининг сони беш юздан ортиқ бўлган жамият учун жамият кузатув кенгашининг сон таркиби етти аъзодан кам бўлиши, акциядорлари сони бир мингдан ортиқ бўлган жамият учун эса тўққиз аъзодан кам бўлиши мумкин эмас [10]. Бундан келиб чиқадигани, банк Кузатув кенгаши аъзолари тоқ сонли бўлиши, бироқ етти кишидан кам бўлмаслиги керак. Ўз ишининг самарадорлигини таъминлаш учун Кенгаш ўз аъзолари орасидан махсус кўмиталар, хусусан аудит кўмитаси, рискларни бошқариш кўмитаси, мукофотлаш кўмитаси, шунингдек, Кенгаш ваколатига кирадиган энг муҳим масалаларни олдиндан кўриб чиқиш учун бошқа кўмиталарни ташкил этади.

Мазкур кўмиталарнинг асосий вазифаси ўз ваколати доирасида масалаларни чуқур ўрганиш ҳамда улар бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, Кенгашнинг назоратга доир вазифаларини бажаришида унга кўмаклашишдан иборатдир.

Банк назорати бўйича Базель кўмитаси таъкидлаганидек, банкларда кузатув (директорлар) кенгаши доирасида камида тўртта кўмита, хусусан аудит, мукофотлаш, тайинлов, рискларни бошқариш кўмиталарини ташкил этилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари мисолида ушбу кўрсаткичлар таҳлил қилинганида куйидаги ҳолат юзага чиқади.

2-жадвал.

**Ўзбекистон Республикасининг айрим тижорат банкларида
ташкил этилган қўмиталар***

№	Тижорат банклари	Банк кузатув кенгаши таркибидаги махсус қўмиталар				
		Аудит (ш.ж. ички аудит)	Мукофот- лаш	Корпора- тив бошқарув	Тайин- лов	Рискларни бошқариш
1	Ўзмиллийбанк АЖ	+		+		+
2	АТ Халқ банки	+		+	+	+
3	Асака банк АЖ	+	+	+	+	+
4	АТИБ Ипак йўли	+	+	+		+
5	Asia Alliance Bank АТБ	+		+		+
6	Агробанк АТБ	+	+	+	+	+
7	ҚҚБ АТБ	+	+	+		+
8	Даврбанк ХАТБ	+	+	+		+
9	ЧЭКИ Инфинбанк	+	+	+		+
10	КДБ Ўзбекистон	+				+

**Банк маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси*

Жадвал Ўзбекистон Республикасининг айрим тижорат банклари фаолияти маълумотлари асосида шакллантирилган бўлиб, у ўзида Банк назорати бўйича Базель қўмитаси тавсиясига кўра, тижорат банклари Кузатув кенгаши доирасида юқорида айтиб ўтилган қўмиталар ташкил этилганлигини ифода этмоқда. Тижорат банкларининг барчасида аудит ва рискларни бошқариш қўмиталари ташкил этилган. Бошқа қўмиталар борасида вазият турлича бўлиб, унинг сабабини айрим тижорат банкларида тайинлаш, мукофотлаш ва корпоратив бошқарув қўмиталарининг бир қўмита сифатида, айримларида алоҳида ташкил этилгани сифатида кўриш мумкин. Энг асосийси қарийиб барча тижорат банкларида корпоратив бошқарув бўйича алоҳида қўмита, ҳеч бўлмаганда корпоратив маслаҳатчи фаолият кўрсатмоқда. У ёки бу махсус қўмитанинг йўқлиги тегишли соҳаларда фаолиятнинг амалга оширилмаслигини аниқлатмайди, балки ушбу ҳолатда муайян мажбуриятлар банк Кузатув кенгашининг бошқа қўмиталарига юклатилиш мумкин бўлади.

Банкларда корпоратив бошқарувнинг умумий ёндашувларида банклар томонидан мижоз корхоналар корпоратив бошқарувига ҳам эътибор бериши зарурлигини айтиб ўтган эдик. Фикримизча, ўзига ишончи баланд ва юқори рентабелли тижорат банклари кредит сиёсатида кредитлашнинг аниқ

белгиланган тартибини жорий этиш билан бирга мижознинг корпоратив бошқаруви тизимини ҳам муҳим элеменларидан бири сифатида ўрганиши керак бўлади. Агар банкнинг кредит мутахассиси мижоз-компаниядан ушбу соҳада жиддий камчиликларни аниқласа, у мижоз билан биргаликда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича махсус дастурни ишлаб чиқиши ва уни бажариш жадвалини тасдиқлаши керак. Кредит линиясини очиш тўғрисидаги қарор мазкур жадвал талабларини амалга ошириш тезлигига боғлиқ бўлиши керак. Бундан ташқари, кредит шартномасида қарз олувчи томонидан муайян операциялар тўғрисида етарли маълумотларнинг ошқор қилинишини таъминлайдиган махсус шартларни киритиш тавсия этилади.

Хулоса

Банк соҳасидаги рақобатга чидамли бўлиш учун тижорат банклари фаолиятларида корпоратив бошқарув даражасини оширишлари керак, шунингдек корпоратив бошқарув амалиёти қимматли қоғозларни чиқаришдан олинган маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган ишончли контрагентлар билан муносабатларни ҳам йўлга қўйиши лозим.

Тижорат банкларида корпоратив бошқарув даражасини баҳолашда ушбу соҳага ихтисослашган ташкилотлар томонидан қўлланиладиган ёндашувларга таяниш керак деб ҳисоблаймиз. Бунда банкларнинг корпоратив бошқарув тизими тўғрисидаги объектив натижа олиш учун жуда кўп ишларни бажариш керак бўлади. Кўплаб ҳужжатларни (устав, ички қоидалар, кузатув Кенгаши ва унинг қўмиталари йиғилишлари баённомалари, молиявий ҳисоботлар, шартномалар ва битимлар, суд ишлари, пенсия ва пенсия тўғрисидаги ҳужжатлар ва б.) синчиклаб ўрганилгандан кейингина компания корпоратив бошқарувига маълум даража ёки баллни бериш мумкин.

Бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларда банклар нафақат ўз мижозлари, балки ўз фаолияти корпоратив бошқарув тизими ҳолатини ўрганишга бошладилар, шунинг учун мазкур тизимни тўлиқ баҳолаш тартиб-қоидаларини жорий этиш улар учун жиддий қийинчилик туғдиради. Халқаро молия корпорацияси (IFC) томонидан ишлаб чиқилган юқоридаги маълумотларига кўра, кредит рискин баҳолашда баъзи банклар қарз олувчи компаниялардаги корпоратив бошқарув сифатига эътибор беришади, аммо ҳозиргача бундай имкониятлардан фойдаланувчилар сони чекланган.

Корпоратив бошқарувни такомиллаштиришни ўз капиталлашув даражасини оширишнинг асосий омили деб ҳисоблайдиган реал сектор компаниялари банклардан ушбу муҳим масалага тенг даражада эҳтиёткорлик

билан муносабатда бўлишни кутадилар. Бошқача қилиб айтганда, ушбу соҳадаги тараққиётнинг тезлашиши ҳар икки томон манфаатларига ҳам жавоб беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони.
<https://lex.uz/docs/4811025>

2. Принципы корпоративного управления для банков (июль 2015). Базельский комитет по банковскому надзору. – Режим доступа: www.cbr.ru/File/3_6687/Basel_cgpb.pdf

3. Совершенствование корпоративного управления в кредитных организациях/ Базельский комитет по банковскому надзору. Базель, сентябрь 1999 г.

4. Каспина Р.Г. Влияние на формирование бухгалтерской отчетности механизмов корпоративного управления / Р. Г. Каспина // Финансы и кредит. 2004. № 7 (145). – С. 50-55.

5. Мурычев А. Состояние и совершенствование корпоративного банковского управления в России. Автореф. дисс. ... д-ра экон. наук. – М., 2007. – 38 с.

6. Принципы корпоративного управления для банков. Базельский комитет по банковскому надзору. Июль 2015 года. – Режим доступа: www.bis.org

7. Головань Е.И., Оношко О.Ю. Роль эффективного корпоративного управления в системе минимизации рисков коммерческого банка // Baikal Research Journal. 2017. Т. 8, № 2

8. Арабова Н., Грачева М. Особенности корпоративного управления // Управления компанией, №7, 2004.

9. Temirov Abdulaziz. Improvement of corporate governance in the banking sector of the Republic of Uzbekistan // Международный научный журнал «Современная школа России. Вопросы модернизации». 2022. №1,

10. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни. 2014 й.

AUDITING IN THE CIS: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Jumabaev Tolibjan Golib ugli

*Independent researcher of
Tashkent Institute of Finance
E-mail: intel9555@gmail.com
ORCID: 0000-0001-9832-6292*

Abstract

This article is devoted to the prospects for the development of the audit market in the commonwealth of independent states, the specifics of organizing audit in these countries and the application of international standards, as well as the results achieved in the application of international auditing standards and ways to overcome problems in this area.

Keywords: member states of the Commonwealth of Independent States, international auditing standards, audit services market, professional audit public associations, non-governmental non-profit organizations.

MDH MAMLAKATLARIDA AUDIT: MUAMMO VA YECHIMLAR

Jumaboev Tolibjon G'olib o'g'li

*ilmiy tadqiqotchi
Toshkent moliya instituti
E-mail: intel9555@gmail.com
ORCID: 0000-0001-9832-6292*

Abstract

Maqolada MDH mamlakatlarida auditorlik bozorining rivojlanish istiqbollari, auditni tashkil etishning xususiyatlari va ushbu davlatlarda xalqaro standartlarni qo'llash masalalari ko'rib chiqiladi, shuningdek xalqaro audit standartlarini qo'llash natijalari tahlil qilingan va bu boradagi muammolarni bartaraf etish yo'llari ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: mustaqil davlatlar hamdo'stligiga a'zo davlatlar, xalqaro audit standartlari, auditorlik xizmatlari bozori, professional auditorlik jamoat birlashmalari, nodavlat notijorat tashkilotlar.

АУДИТ В СНГ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Джумабаев Талибджан Голиб оглы

*научный исследователь
Ташкентский финансовый институт
E-mail: intel9555@gmail.com
ORCID: 0000-0001-9832-6292*

Аннотация

В статье рассматриваются перспективы развития рынка аудита в

странах СНГ, особенности организации аудита и применения международных стандартов в этих государствах, анализируются результаты применения международных стандартов аудита и пути преодоления проблем в этой области.

Ключевые слова: государства-участники содружества независимых государств, международные стандарты аудита, рынок аудиторских услуг, профессиональные аудиторские общественные объединения, негосударственные некоммерческие организации.

Introduction

It is known that special attention is paid to research aimed at improving international standards of financial reporting and auditing in many countries around the world. However, in order to fully study the content and essence of these standards in the full implementation of international accounting and auditing standards, to apply them in practice, to transform financial reporting into international standards, to introduce advanced foreign experience in the economy of our country. There is a growing need for comprehensive research on improvement.

Also, one of the most pressing scientific problems is the elimination of a number of problems in the current audit practice that need to be addressed in the process of planning, conducting inspections and summarizing the results of inspections, improving their theoretical and methodological basis. These are, firstly, the lack of application of laws and regulations on accounting and auditing in auditing practice, secondly, insufficient and in-depth study of practical and methodological aspects of the organization and conduct of the audit, and thirdly, the generalization and formalization of audit results in audit document, and, fourthly, the lack of modern requirements for determining the level of audit risk and materiality, the quality of audit work and the effectiveness of audit activities, as well as the ineffective use of its assessment methodology.

As the issue of solving the above-mentioned problems in the country, improving the methodology of planning and conducting audits has not been studied in detail as a whole, it is necessary to conduct research to improve the planning and conducting audits.

The existing problems and shortcomings in the auditing activities of the Republic have an impact on the further development of auditing. In particular, "the audit is not seen as a guarantee of the accuracy of the financial statements, but as a redundant and tedious administrative procedure"⁴. Therefore, it requires the

⁴ Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 19, 2018 No PP-3946 " On measures to further develop auditing in the Republic of Uzbekistan." National Database of Legislation, 20.09.2018, No. 07/18/3946/1955

harmonization of accounting and auditing with international standards on the basis of the gradual introduction of modern norms and standards in our country, including international standards of financial reporting and auditing. Improving the investment climate in the country in the "Strategy of actions on the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021"⁵, the active attraction of foreign, primarily foreign direct investment in sectors and regions of the economy, the introduction of modern standards and methods of corporate governance, important tasks have been identified to strengthen the role of shareholders in the strategic management of enterprises .

Review of the literature on the subject

Many foreign economists have conducted research to create and improve the theoretical and practical basis of auditing in the Commonwealth of Independent States. The market of audit services in the CIS countries and its analysis has been studied by economists from many CIS countries to study the best practices of auditing in the CIS countries such as N.P. Baryshnikov, N.T. Beluxa, S.M. Bychkova, Suyts, A.A. Terekhov and A.D. Sheremet⁶.

These issues have been partially studied in textbooks, monographs and textbooks created by economists of our country, as well as in published scientific articles and theses. For example, R.D. Dusmurov, Tulaxodjaeva, B.Q. Hamdamov, K.R. Hotamov and I.N. Kuziev⁷ studied some aspects of the theoretical and practical foundations of auditing in the CIS. It should be noted that the above research provides general views on the subject, but the issue of comparative analysis of auditing activities of the CIS member states and their application of best practices in the practice of Uzbekistan has not been studied as a separate research object and integrated system. This situation requires conducting comprehensive scientific research on this topic and defining research tasks.

These issues have been partially studied in textbooks, monographs and

⁵ No. PF-4947 of February 7, 2017 " On the Action Strategy for the further development of the Republic of Uzbekistan ." Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 6, Article 70

⁶ Baryshnikov N.P. Organization and methods of conducting general audits. 4th ed. perer. and dop. – M.: Filin, 1998. – 528 s.; Beluxa N.T. Audit. Textbook "Knowledge", KOO, 2000. – 769 p.; Bychkova S.M. Auditors deyatelnost. Theory and practice. – SPB.: Lan, 2000. – 320 p.; Terexov A.A. Audit: development perspectives. – M.: Finance and statistics, 2001. – 560 p.; Suyts V.P., Sheremet A.D. Audit. – M.: INFRA-M, 2009. – 456 s.

⁷ Dusmurov R.D. Formation of auditing activity in Uzbekistan and improvement of its methodology: i.f.d. written Dissertation to obtain an academic degree. avtoref. – Tashkent, 2008. – 35 p.; Tulaxodjaeva M.M. Audit of the financial condition of the enterprise. -T.: The world of economics and law, 1996 – 193 p.; Hamdamov B.Q. Methodological bases of development of audit control in the accounting and reporting system of the economy of Uzbekistan: i.f.d. written dissertation to obtain an academic degree. avtoref. – Tashkent, 2007. – 33p.; Xatamov K.R. Improving the accounting, analysis and audit of indirect taxes: i.f.d. written dissertation to obtain an academic degree. avtoref. – Tashkent, 2016. – 30 p.; Koziyev I.N. Improving the methodology of compiling and summarizing audit reports in the context of modernization of the economy: i.f.d. written dissertation to obtain an academic degree. avtoref. – Tashkent, 2017. – 70 p.

textbooks created by economists of our country, as well as in published scientific articles and theses. For example, economist A.Kh. Sattarov [5], deeply analyzing the process of applying the best practices of the CIS countries in the practice of Uzbekistan, managed to formulate practical proposals for the application of the results achieved by these countries in the field of auditing in Uzbekistan.

In this regard, the research of economist I. Meliev [3] provides a comparative analysis of the organization of auditing in the CIS countries, but does not sufficiently describe the application of best practices of these countries in the practice of Uzbekistan.

The analysis of the market of audit services in the member states of the Commonwealth of Independent States and the application of international auditing standards in them until 2014 is detailed on the official website of the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan (<https://www.mf.uz>). However, the sources that reflect the data of the official analysis of the state of auditing in the CIS countries in the years after 2014 are not yet available.

Research methodology

Current state of the audit market in the Commonwealth of Independent States and its analysis in the form of scientific abstraction, experiment, simulation, analysis to obtain results, analysis, synthesis, grouping, as well as inventory, comparison in the collection of audit evidence, arithmetic calculations and various mathematical and statistical modeling methods have been widely used for the purpose of gathering information. In all methods, analytical operations are carried out and information is obtained as evidence and proof. However, it should be noted that the audit methodology should include accounting, statistical, analytical, mathematical and philosophical methods to ensure the effectiveness of its results and the reliability of the evidence obtained.

Discussion and results

In recent years, the market of audit services has become an integral part of the economy of the Commonwealth of Independent States (CIS). Like any segment of the economy, the audit services market is characterized by a system of indicators. The subjects of auditing in the CIS member states are mainly audit organizations. Legislation of the CIS countries such as the Republic of Azerbaijan, Belarus, the Kyrgyz Republic, the Republic of Moldova, the Russian Federation, the Republic of Tajikistan allows auditing activities to be carried out by individual (private) auditors. Individual (private) auditors are recognized as individual entrepreneurs who meet the established qualification requirements and have the right to engage in auditing activities without the formation of a legal entity.

Also, in accordance with the requirements of the legislation in these countries, there are restrictions on the auditing activities of individual (private) auditors. For example, in the Russian Federation, individual auditors are not entitled to perform mandatory audits of the accounting (financial) reports and consolidated financial statements of socially significant organizations (credit and insurance organizations, non-governmental pension funds, etc.). In general, the scope of activities of individual (private) auditors in the CIS countries usually does not have a significant impact on the performance of the audit services market. In these countries, the number of auditing entities is usually determined on the basis of registers of auditors and audit organizations. According to experts, in the audit practice of these countries, 70-95% of entities with such a right in the CIS member states are engaged in auditing activities.

In the practice of the CIS member states, the subjects of auditing provide the following types of services:

Audit of financial statements;

Providing professional audit services;

Related to other auditing activities (accounting, tax, legal, management consulting, accounting, tax accounting installation, restoration and maintenance, accounting (finance), tax reporting, accounting automation and introduction of information technology, evaluation services, training of specialists and conducting research in areas related to auditing, financial and economic analysis, tax and customs disputes, representation in court and tax authorities).

In the CIS member states, including the Republic of Azerbaijan, the Republic of Belarus and the Republic of Uzbekistan, the audit of financial statements accounts for one third of the services provided by audit firms, and in the Republic of Moldova and Kyrgyzstan for one second. At the same time, the share of other audit services in the volume of services provided is very low in the Republic of Armenia and the Republic of Tajikistan, while in the Russian Federation the share of other professional audit services with audits is equal. However, the share of audit services in the total volume of audit services provided in most CIS member states is declining, while the share of other audit-related services is increasing.

Another important indicator that characterizes the market of audit services in the CIS countries is the number of clients served by auditing entities. The financial reporting audit service is one of the most common services provided by auditing entities in the CIS member states. In the case of the mandatory audit service, the clients of audit firms are, as usual, organizations, securities markets, open joint stock companies, credit and insurance organizations, non-governmental pension

funds, stock exchanges, investment funds, state and municipal commercial enterprises. In addition, in the audit practice of the CIS member states, the form of initiative (voluntary) audit control is widely developed.

One of the peculiarities of auditing practice in most CIS member states, including the Republic of Azerbaijan, the Republic of Belarus, the Republic of Kazakhstan, the Republic of Moldova, the Russian Federation and the Republic of Uzbekistan, is the establishment of professional organizations for self-management or unification of auditors. In addition to these countries, in addition to Azerbaijan, there are a number of self-governing organizations of auditors, including two in the Republic of Belarus and the Republic of Kazakhstan, three in the Republic of Moldova and the Republic of Uzbekistan, and five in the Russian Federation.

In the CIS countries (except the Republic of Belarus) there are self-governing organizations of auditors who are members of the International Federation of Accountants, including the Republic of Azerbaijan, the Republic of Belarus, the Republic of Kazakhstan, the Republic of Moldova and the Republic of Uzbekistan - one organization, and in the Russian Federation - It should be noted that there are three organizations.

An order to eliminate deficiencies identified in the practice of auditing in the CIS member states for violations of applicable law or poor quality audits, notifications against violations, fines, suspension or revocation of licenses, qualifications; administrative and disciplinary measures are applied to the subjects of auditing activities, such as expulsion of auditors from the self-governing organization.

Over the past decade, one of the key elements of the global audit services market has been the application of international auditing standards (hereinafter ISA) in auditing practice. A similar feature of the national audit systems of the CIS member states is the adoption of the ISA as the main tool in the regulation of audit activities. Such a conceptual unit of approach is interrelated for the following main reasons:

First, it incorporates a system of universal and qualitative requirements for auditing activities in the ISA, currently being developed by independent international non-governmental institutions;

Second, the high incentive to encourage investment in the national economies of the CIS member states, the activation of national capital markets, as well as the creation of a favorable information environment for investors using the internationally recognized IFRS and ISA in modern life;

Third, the international popularity of ISA has increased dramatically in recent years, with ISA requirements being directly adopted in many countries. In

this regard, the ISA was seen as an element of the integration of some states into world politics. In addition, national programs for the introduction of ISA in the Republic of Azerbaijan, the Republic of Kazakhstan, the Kyrgyz Republic, the Republic of Moldova, the Russian Federation and the Republic of Uzbekistan are being developed and gradually implemented. The Ministry of Finance, together with audit institutions and other bodies, is responsible for implementing these programs (Table 1).

CIS countries is the organization of audits based on ISA requirements. Today many CIS member states, including the Republic of Belarus, the Russian Federation, the Republic of Tajikistan and the Republic of Uzbekistan, conduct audits in accordance with national standards developed on the basis of ISAs. It should be noted that in some CIS countries, the requirements of the ISA are fully applied in direct audit practice.

Table 1.

The state of implementation of international auditing standards in the CIS member states*

CIS member states	Existence of a plan for the introduction of ISA	Competent authorities implementing the plan (program)	Period of introduction of ISA
Republic of Azerbaijan	Yes	-	as of 01.01.2010
Republic of Armenia	No.	-	-
Republic of Belarus	No.	-	-
Republic of Kazakhstan	Yes	Ministry of Finance, qualified audit organizations	since 2006
Kyrgyz Republic	Yes	-	since 2003
Moldova Republic	Yes	Ministry of Finance, Ministry of Education, Qualification Associations in Accounting and Auditing	As of 01.01.2012
Russian federation	Yes	Ministry of Finance, Board of Auditors, self-governing organizations of auditors	2013–2016 yy .
Republic of Tajikistan	No.	-	-
Republic of Uzbekistan	Yes	Ministry of Finance , Central Bank , professional association of accountants and auditors	2011–2015 yy . step by step

*Compiled by the author based on data from the Ministry of Finance.

Today, the requirements of the ISA are fully applied as a direct national standard in the audit practice of the Republic of Azerbaijan, the Republic of

Armenia, the Republic of Kazakhstan, the Kyrgyz Republic and the Republic of Moldova. In the Russian Federation and the Republic of Uzbekistan, a gradual transition to the use of ISAs as national standards is planned (Table 2). The process of studying and applying the experience of international practice in the transition to ISA in the CIS member states, in conjunction with the competent authorities, is carried out mainly through public professional audit organizations.

The CIS member states have faced a number of common challenges in the implementation and application of ISAs in auditing practice (Appendix): there are institutional, organizational, legal, financial, training and other methodological issues. In turn, the solution of these problems will allow for real cooperation in the application of the ISA.

Table 2.

Generalization and popularization of the experience of the introduction of ISA*

CIS member states	The system of generalization and popularization of the introduction of ISA
Republic of Azerbaijan	The Chamber of Auditors will hold seminars and symposiums on the introduction of ISA; popularized through the media
Republic of Armenia	No information
Republic of Belarus	The Ministry of Finance and the National Bank will develop recommendations
Republic of Kazakhstan	The system of generalization and dissemination of the experience of the introduction of ISA is based on the interaction of the Ministry of Finance and self-government organizations of auditors "Chamber of Auditors of the Republic of Kazakhstan", "Board of Auditors". Qualified organizations summarize and disseminate the experience of auditors and audit organizations, distribute textbooks, publish guidelines, publish periodicals and develop software products, conduct training seminars
Kyrgyz Republic	Generalization and dissemination of the experience of the introduction of GAS by the State Service for Regulation and Supervision of the Financial Market under the Government of the Kyrgyz Republic
Republic of Moldova	Generalization and dissemination of the experience of the introduction of ISA through the Ministry of Finance, the Ministry of Education and the qualification associations in the field of accounting and auditing through the free adoption and application of standards and training seminars
Russian federation	Self-governing organization of auditors - members of the International Federation of Accountants popularize the practice of applying ISA
Republic of Tajikistan	Generalization and popularization of ISA implementation experience through training courses through the Institute of Qualified Accountants and Auditors on
Republic of Uzbekistan	The generalization and dissemination of the experience of the introduction of ISA is carried out by the professional association of accountants and auditors, the Ministry of Finance through the distribution of textbooks, publication of methodological recommendations, training seminars, as well as training courses for auditors and accountants

*Compiled by the author based on data from the Ministry of Finance.

In our view, there are common problems in the CIS member states, such as the lack of an institutional environment or underdevelopment, as institutional problems in the application of ISAs. In the CIS member states, there are problems not only with the translation of the standards into the national language for the application of the ISA, but also with the provision of unimpeded access to these texts by any interested person. In our opinion, so far, the CIS member states have solved these problems independently. However, the lack of translation of the ISA for most of the CIS member states and the existence of financial problems in the application of the ISA or the limited financial resources of the CIS member states have exacerbated the problem. Personnel problems in the application of ISAs in these countries are the lack of knowledge and skills of auditors in the field of ISA, such as the lack of quantitative and qualitative methodological materials in the local languages in the transition to ISAs (Table 3).

The methodological problems of the application of the ISA in the CIS member states arose due to the inconsistency of some provisions of the ISA with the requirements of national regulations. This necessitated active cooperation with international organizations in the field of auditing activities of the CIS member states .

Table 3.

**Translation of ISA into the state language
in the CIS countries***

CIS member states	Availability of ISA translation	Bodies responsible for preparing ISA translation	Status of ISA translation
Republic of Azerbaijan	In the Azerbaijan language	Chamber of auditors	Official
Republic of Armenia	In the Armenian language	Ministry of finance	Official
Republic of Belarus	In Belarusian	-	Informal
Republic of Kazakhstan	In the Kazakh language (type 2009) _	Ministry of finance	Official
Kyrgyz Republic	-	State financial supervision	-
Republic of Moldova	In Romanian	ISA Board	Official
Russian federation	In Russian	-	Informal
Republic of Tajikistan	-	Ministry of finance	-
Republic of Uzbekistan	Uzbek language ¹	Qualified association of accountants and auditors, Ministry of finance, National bank	-

*Compiled by the author based on data from the Ministry of Finance.

In our opinion, the main problem in the application of ISA in the CIS member states is the training of staff. The International Federation of Accountants

has set up a coordinating committee. This committee examines how members of the International Federation of Accountants apply the International Standard on Professional Activities “On the Provision of High-Level Professional Services” and conducts a comparative analysis of auditing and disciplinary practices in member organizations of the International Federation of Accountants. Some of the enterprises that are part of the business forum are subject to regular peer review . In this regard, it will be necessary to create a global system that provides high-quality audits in the office of each member of the business forum.

Conclusion

The results of a comparative analysis of the audit activities of Uzbekistan and the CIS countries, as well as research on the study of best practices of developed CIS countries, formed the following conclusions and recommendations:

First of all, we consider it expedient to introduce private auditing practices in the auditing activities of Uzbekistan, as well as in developed CIS countries. To do this, it is necessary to make appropriate additions and amendments to existing legislation, with an in-depth study of the best practices of developed countries in auditing;

Secondly, we consider it expedient to regulate the internal audit activity in the audit activity of Uzbekistan, as in Russia, Azerbaijan and Kazakhstan, as well as the compulsory insurance of the liability of auditors and audit organizations through a special law. In order to ensure this, we consider it necessary to develop and implement the draft Law on Compulsory Insurance of Civil Liability of Auditing Organizations and the Law on Internal Audit , with an in- depth analysis of the legal system of developed countries in this area ;

Third, the study found that in the current audit practice in Russia and developed European countries , the most professional software such as AuditNET, ITAUDIT, Auditor, AUDITXP, “Complex Audit” and “Express Audit: PROF” conduct quality inspections in a short time and on a regular basis. In this regard, we consider it expedient to establish the widespread use of the above programs in the activities of all audit organizations operating in the practice of Uzbekistan;

Fourth, we consider it expedient to give professional public associations of audit organizations operating in Uzbekistan (Chamber of Auditors of Uzbekistan, the National Association of Accountants and Auditors of Uzbekistan, the Federation of Accountants of Uzbekistan) a wide range of powers and rights to regulate auditing, as in developed countries.

References

1. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated

September 19, 2018 No PD-3946 "On measures to further develop auditing in the Republic of Uzbekistan." National Database of Legislation, 20.09.2018, No. 07/18/3946/1955.

2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PD-4947 of February 7, 2017 "On the Action Strategy for the further development of the Republic of Uzbekistan." Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 6, Article 70.

3. I.I. Meliev. Methods of conducting audits: problems and solutions. Monograph. – T.: Economy and Finance, 2020.

4. Baryshnikov N.P. Organization and methods of conducting general audits. 4th ed. perer. anddop. – M.: Filin, 1998. – 528 p.

5. Sattorov A.X. CIS experience in the development of auditing in Uzbekistan // Scientific Journal of Finance // Tashkent 2020 // №4 issues

6. Terexov A.A. Audit: development perspectives. – M.: Finance and statistics, 2001. – 560 p.

7. Suyts V.P., Sheremet A.D. Audit. – M.: INFRA-M, 2009. – 4 56 p.

8. Dusmurotov R.D. Formation of auditing activity in Uzbekistan and improvement of its methodology: i.f.d. written dissertation to obtain an academic degree. avtoref. – Tashkent, 2008. – 35 p.

9. Tulaxodjaeva M.M. Audit of the financial condition of the enterprise. – T.: The world of economics and law, 1996. – 193 p.

10. Hamdamov B.Q. Methodological bases of development of audit control in the accounting and reporting system of the economy of Uzbekistan: i.f.d. written dissertation to obtain an academic degree. avtoref. – Tashkent, 2007. – 33 p.

11. Xatamov K.R. Improving the accounting, analysis and audit of indirect taxes: i.f.d. written dissertation to obtain an academic degree. avtoref. – Tashkent, 2016. – 30 p.

12. Kuzyiev I.N. Improving the methodology of compiling and summarizing audit reports in the context of modernization of the economy: i.f.d. written dissertation to obtain an academic degree. avtoref. – Tashkent, 2017. – 70 p.

13. <https://www.mf.uz>

14. <https://audit-apa.by>

15. <https://audit-ap.by>

16. <http://www.audit.gov.az>

17. <https://www.audit.kz>

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИДА ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

Илхамова Ёдгарахон Саидахмедовна

*профессор, электрон тижорат ва рақамли
иқтисодиёт кафедраси мудири
Тошкент молия институти
E-mail: yodgorai@mail.ru
ORCID: 0000-0003-0571-913X*

Аннотация

Ушбу мақолада суньий интеллект технологияларининг банк-молия соҳасида қўлланиши, асосий хусусиятлари, самарадорлиги ва бу технологиялардан мамлакатимизда бугунги кунда фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинган. Банк соҳасидаги суньий интеллект тизимларининг учтасини, яъни чат-ботлардан тортиб то тўлиқ рақамли банкларга қадар бўлган тизимлар, аудит тизимлари ва тавсия бериш тизимлари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: катта хажмдаги маълумотлар, суньий интеллект, машинали ўқитиш, чуқур ўқитиш, интеллектуал тизимлар, экотизим.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ ТЕХНОЛОГИЙ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В БАНКОВСКО- ФИНАНСОВОЙ СФЕРЕ

Илхамова Ёдгарахон Саидахмедовна

*профессор, заведующий кафедрой электронной
коммерции и цифровой экономики
Ташкентский финансовый институт
E-mail: yodgorai@mail.ru
ORCID: 0000-0003-0571-913X*

Аннотация

В статье исследуются применение технологий искусственного интеллекта в банковско-финансовой сфере, его основные особенности, эффективность и использование этих технологий в стране. Рассмотрены три системы искусственного интеллекта в банковском секторе, а именно системы от чат-ботов до полноценных цифровых банков, системы аудита и рекомендательные системы.

Ключевые слова: большие данные, искусственный интеллект, машинное обучение, глубокое обучение, интеллектуальные системы, экосистема

THE EFFECTIVENESS OF THE APPLICATION OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE TECHNOLOGIES IN THE BANKING AND FINANCIAL SPHERE

Ilkhamova Yodgoraxon Saidaxmedovna

*Head of the Department Electronic
Commerce and Digital Economy*

Tashkent Financial Institute

E-mail: yodgorai@mail.ru

ORCID: 0000-0003-0571-913X

Abstract

This article describes the application of artificial intelligence technologies in the banking and financial sphere, its main features, effectiveness and the use of these technologies in our Republic today. Three artificial intelligence systems in the banking sector were considered, namely systems from chatbots to full-fledged digital banks, audit systems and recommendation systems.

Keywords: data in large scale, artificial intelligence, machine learning, deep learning, intellectual systems, ecosystem.

Кириш

Илм-фан ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал тараққий этиб бораётган бугунги шароитда дунёнинг ривожланган мамлакатларида давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, саноат, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт, бандлик, қишлоқ хўжалиги, муҳофаза, хавфсизлик, туризм ва бошқа соҳаларда рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш асосий масалалардан бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ҳукумат томонидан бу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, иқтисодий ва ижтимоий тармоқларда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, бу соҳада илмий салоҳиятни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида⁸”ги ПҚ-4996-сон ҳамда 2021 йил 26 августдаги “Сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича махсус режимни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида⁹”ги ПҚ-5234-сон

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4996-сон Қарори. – <https://lex.uz/docs/5297046>

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 августдаги “Сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича махсус режимни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5234-сон Қарори. – <https://lex.uz/docs/5603319>

Қарорлари қабул қилинган.

Адабиётлар шарҳи

Сунъий интеллект (СИ) банк соҳасида транзакцион харажатларни камайтириш ва оптималлаштириш, мижоз ва сотувчиларни жалб қилиш, сотишни кўпайтириш, реклама ва маркетингни яхшилаш учун ишлатилади.

Банк тизими. Банк соҳасидаги сунъий интеллект тизимларининг учтасини, яъни чат-ботлардан тортиб то тўлиқ рақамли банкларга қадар бўлган тизимлар, аудит тизимлари ва тавсия бериш тизимларини кўриб чикамиз.

Банк соҳасида сунъий интеллектни қўллаш бир нечта сабаблар билан боғлиқ. Буларга қуйидагилар киради:

банк операцияларининг тезлиги ва аниқлиги;

капитал рентабеллилигини ошириш учун операцион харажатларни камайтириш;

банклар 24/7 режимида ишлаши.

Сунъий интеллект соҳасидаги ютуқлар туфайли кўплаб банклар чат-ботдан фойдаланмоқда. Мазкур дастурдан фойдаланишнинг афзаллиги шундаки, банклар узоқ муддат давомида кўшимча вақт талаб қилмасдан, яъни йил давомида 24/7 режимида ишлаши мумкин. Яна бир ижобий жиҳати шундаки, чат-бот дастури бир вақтнинг ўзида бир нечта мижозлар маълумотларини бир хил аниқлик билан қайта ишлашлари мумкин.

Сбербанкдаги СберБизнесБотЧат бу дастурдан самарали фойдаланишнинг бир мисоли бўла олади. Мавжуд банк тизимларида ўрнатилган чат-ботдан ташқари, жисмоний офислари бўлмаган рақамли банклар мавжуд. Масалан, Ally – бу тўлиқ автоматлаштирилган онлайн банк. Аллунинг 2020 йилгача бўлган умумий даромади 6,394 млрд АҚШ доллари ва соф фойдаси 1,721 млрд АҚШ долларини ташкил этади. Анъанавий банк операцияларидан ташқари, Ally мустақил савдони, инвестициялар учун портфеллар ва ҳатто уй-жой кредитларини таклиф этади. Барча операцияларни онлайн тарзда амалга ошириш банкка тезкор ва мураккаб банк операцияларига кўпроқ эътибор қаратиш имконини беради.

OSP (open settlement protocol-очик ҳисоб-китоб протоколи) ички аудит учун тезроқ ва самаралироқ ишлайдиган "аудиторлик ечимларида сунъий интеллект"нинг махсус дастурини ишлаб чиққан. Дастур бухгалтерия ҳужжатлари учун бир қатор вазифаларни бажаради. Бу вазифалар аудит ҳисоботларини, аудитни режалаштириш тизимларини, интеллектуал маълумотлар ва ҳисоботларни текширишни ўз ичига олади.

2022 йилда сунъий интеллект технологиялари бозори 52,5 млрд

долларга етди. Бу 2017 йилга нисбатан 4 баравар кўп ва 2013 йилга нисбатан 75 баравар кўп. Йиллик ўсиш 31% ни ташкил қилади. 2015-2019 йилларда эса бизнесда сунъий интеллект интеграциялари сони 270 % га ошди.

1-диаграмма.

Сунъий интеллект технологиялари бозори¹⁰



HighRadius томонидан "банкларни келишиш булути", деб номланган инструмент таклиф қилинган. У банкларда операцион ва операцион бўлмаган пулларни автоматик равишда таснифлаш орқали ҳисобларнинг кунлик ёпилиши аудитини олиб боради.

Сунъий интеллект банкларга шахсий таклифларни шакллантиришга ёрдам беради. Банклар сунъий интеллект ёрдамида жисмоний шахслардан тортиб то ташкилотгача бўлган кўплаб мижозлар билан ишлайди.

Уларнинг асосий муаммоси шундаки, банкда юз минглаб мижозлар бўлиши мумкин, шу сабабли индивидуал таклифларни тайёрлаш кўп вақт талаб қилади ва қиймати юқори бўлган хизмат ҳисобланади. Сўнгги давр технологиялари туфайли банклар энди ҳар бир мижознинг молиявий хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш учун сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланишади.

Шахсий таклифларни шакллантиришда баъзи бир компаниялар банкларга катта ёрдам беради. Шахсий таклифлар платформаларини ишлаб чиқишда CrayOnData компанияси банкларга ёрдам берганлиги банга мисол бўла олади. Бундан ташқари, Optimizely ва Maya AI компаниялари ҳам мазкур масалани ечишга катта ҳисса қўшмоқда [4].

¹⁰Frost&Sullivan, Gartner, VentureBeat <https://www.syssoft.ru/upload/medialibrary/bed/bed883c5513540899f4aacbe1fe522fb.png>

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда статистик таҳлил, BIG DATA, сунъий интеллект технологиялари, кластерлаш, прогнозлаш, прогнозлаш аналитикаси ва бошқа услублардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижа

Айтиш мумкинки, сунъий интеллект тизимларини яратиш ва Data Science масалаларини ечишда Python энг машхур дастурлаш тилларидан бири ҳисобланади. Python – бу чат-бот, аудит ва тавсиялар тизимларини яратиш учун керак бўлган ва машинали ўқитиш кутубхонасига эга осон ўрганиладиган тил ҳисобланади.

Маълумки, СИ соҳасидаги биринчи тадқиқотлар ўтган асрнинг 60-70 йилларга тўғри келишига қарамай, сунъий интеллектни ҳаётга жорий этиш бўйича биринчи қадамлар нисбатан яқинда амалга оширилди. 2017 йилда Японияда банк секторида фаол ўзгаришлар қайд этилди. Ҳозирда давлат энг яхши сунъий интеллектга эга бўлган субъект ҳисобланади. Етакчи компаниялар 30000 дан ортиқ иш жойларини автоматлаштиришга тайёрлигини эълон қилишган.

Меҳнат бозорини пухта ўргангандан сўнг, Япониянинг етакчи банклари бундай ёндашув нафақат хизмат кўрсатиш тезлиги ва сифатини оширишга, балки банк муассасаларининг рентабеллигини яхшилашга қаратилганини эътироф этишмоқда. Бугунги кун технологиялари ривожланиб бораётган бир пайтда фақат анъанавий усуллардан фойдаланган ҳолда юқори натижаларга эришиш деярли мумкин эмас. Бу ҳолатни яхшилаш мақсадида кўп вақтни талаб қилувчи бир қатор офис вазифаларини бажариш учун сунъий интеллект тизимлари ишлаб чиқилган.

1-расм.

Сунъий интеллект ҳаракати*



*<https://uzanalytics.com/wp-content/uploads/2021/06/%D1%81%D1%85%D0 %B5%D0 %BC %D0 %B0-1160x817.jpg>

Юқоридаги расм бизнинг сунъий интеллект технологияларини тушунишимизга ёрдам беради. Сунъий интеллектнинг муҳим жиҳатларидан бири – бу катта маълумотлар базасини билимга трансформация қилиш, уни тафаккур мулкига айлантириш ва, ниҳоят, чуқур таҳлил асосида қарор қабул қилишдир. Сунъий интеллектнинг яна бир жиҳати – бу мураккаб ва аниқланмаган муаммоларни қандай ҳал қилишни ўргана олиши, мавжуд маълумотлардаги асосий тенденциялар асосида ақлли қарорлар қабул қилишидир. Ва, ниҳоят, сунъий интеллект тизими тўпланган маълумотлар асосида хатти-ҳаракатларни таҳлил қилиб, субъектни муҳитга мослаштириш қобилиятига эга.

Статистикага кўра, бугунги кунда деярли ҳар бир истеъмолчи ижтимоий тармоқларда бир нечта аккаунтга эга. Сунъий интеллектдан фойдаланиш истеъмолчига шахсий маълумотларини таҳлил қилишга ва тўпланган маълумотлар асосида маълум бир ноёб таклифни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Баъзи банк тузилмалари томонидан чат-ботдан фойдаланиш самарали натижа беради. Илгари муаммоли вазиятларда мижоз банкка кўнғирок қилиши ва ходимлар билан шахсан мулоқот қилиши керак бўлса, энди робот билан алоқа ўрнатиш орқали ўзларининг қизиқарли саволларига тўлиқ жавоб олади. Сунъий интеллект фойдаланувчига керакли маълумотларни тақдим этади, ҳисобнинг ҳолати, давом этаётган акциялар ва фойдали таклифлар тўғрисида маълумот беради. Бундай алоқа нафақат телефон орқали, балки СМС-ёзишмалар, онлайн чат, мессенжер орқали амалга оширилади.

Банк тизимидаги ўзгаришлар бугунги кунда тез содир бўлмоқда. Сунъий интеллектнинг асосий муаммоси катта ҳажмли маълумотлар билан ишлашдир. Бундан ташқари, СИ тизими жуда юқори ҳисоблаш қувватига муҳтож. Ҳозирча бундай имкониятга фақат банк сектори эгадир.

Замонавий жаҳон иқтисодиётида бизнес янада янги технологияларга бойиб бормоқда. Бизнес жараёнларини компьютерлаштириш ва роботлаштиришга талаб ортиб бориб, молиявий соҳада ушбу тенденциялар аниқ намоён бўлган. Рақобат шароитида банклар ўз хизмат ва маҳсулотларини мижоз учун иложи борича мослаштиради ва қулай қилишга интилади. Сунъий интеллект эса бу билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун мўлжалланган технология хисобланади. Шунинг учун яқин келажакда ушбу технология банк секторида бошқариш ва фаолият кўрсатиш тамойилларини тубдан ўзгартиради.

Сунъий интеллект билан глобал интеграциясининг кенг қўламли жараёнга етиб келиши сунъий интеллект чексиз тезликка эга эканлигини,

жуда катта миқдордаги маълумотлар билан ишлаш мумкинлигини, мукамал хотира ва кўп вазифаларни бажариш қобилиятига қодирлигини билдиради.

Бугунги кунга келиб сунъий интеллект технологиялари анча олдинга кадам қўйишга муваффақ бўлди. Сунъий интеллект – бу ўзига хос хусусиятга эга бўлган бир қатор алгоритмлар ва дастурий таъминот тизимлари бўлиб, улар баъзи муаммоларни ҳал қилиш ҳақида “ўйлаш”, инсон бажарадиган ишларни ҳал қилиш қобилиятига эга. Шунини таъкидлаш керакки, ахборот ва интеллектуал технологиялар жиҳатидан юқори даражада ривожланган ҳар қандай давлатнинг молиявий-иқтисодий соҳаси нафақат маълумотларнинг катта массивларига, балки уларни юқори аниқликда қайта ишлаш имкониятларга ҳам таянади.

Банк муҳитида сунъий интеллектдан фойдаланиш истиқболлари молиявий ва иқтисодий тизимларда намоён бўлади. Хусусан, банк соҳасида иштирок этадиган сунъий интеллект – бу интеллектуал тизим. Сунъий интеллект банк соҳасида рақамли маълумотларнинг махсус воситаси бўлиб, унинг якуний мақсади замонавий технологияларини жорий этиш орқали банк бизнеси самарадорлигини оширишдир.

Ҳозирги вақтда Россиянинг “Сбербанк” Давлат Акциядорлик Компанияси (ДАК) фаолияти катта эътиборни жалб қилади. Сбербанк ўзининг ҳар бир жараёнига сунъий интеллектни қўллаб, ушбу технологияни бизнеснинг барча соҳаларига тарқатмоқда. Бундан ташқари, банк 2018 йилдан жисмоний шахсларга бериладиган кредитларнинг аксариятини сунъий интеллект ечимлари асосида берилишини амалга оширди. Ушбу ташкилот ИТ-технологияларини жорий этиш ёрдамида амалий ишларни электрон дастурларга алмаштира бошлади, бу эса фаолиятни оптималлаштириш, кадрларга бўлган эҳтиёжни сезиларли даражада пасайтириш ва харажатларни қисқартиришга имкон беради. “Сбербанк” томонидан яратилган тижорат банкининг қарздорлиги билан шуғулланадиган «Iron Lady» тизими бугунги кунда энг долзарб ва истиқболли ҳисобланади.

Ушбу дастурнинг афзаллиги шундаки, оператор ва миқдор ўртасидаги суҳбатни робот мустақил равишда таҳлил қилади ва шу билан бирга операторга маслаҳат бериш учун барча керакли маълумотларни тақдим этади. Ҳар бир суҳбат давомида робот янги сўзларни “ўрганади ва эслаб қолади”.

Яна бир муҳим янгилик бу Алфа-Банк томонидан “Smart IDReader” номи остида ишлаб чиқилган фуқаро паспортини таниб олиш


функциясига эга бўлган мобил иловадир. Ушбу илова ўзининг функционал имкониятлари билан бошқалардан фарқ қилади: биринчидан, маълумотлар билан ишлашнинг қулайлиги ва сифати; иккинчидан, мижозларга хизмат кўрсатиш тезлиги сезиларли даражада ошиши; учинчидан, мобил курилмаларда қўлда маълумотларни киритишнинг йўқлиги дастур билан ишлашни анча соддалаштиради [7].

Markswebb агентлиги томонидан ўтказилган e-Finance User Index тадқиқотига кўра, интернет-банкларнинг фойдаланувчилар сони бўйича рейтинги шакллантирилган. Бу шуни кўрсатдики, «Сбербанк Онлайн» хизматларидан 28,3 миллиондан ортиқ киши ёки Россиядаги барча интернет-банк фойдаланувчиларининг деярли 82% фойдаланади[8].

PWC Fintech Trends India нинг 2018 йил учун ҳисоботига кўра, сунъий интеллектга глобал харажатлар 5.1 млрд долларга етди. IHS Markit ҳисоботига кўра, "банк фаолиятида сунъий интеллект" учун харажатлар ўсади ва 2030 йилга келиб 300 млрд долларга етади. Бу шуни кўрсатадики, сунъий интеллект молия секторида қўллаш учун арзон ва самарали бўладиган даражага етди.

2-диаграмма.

**Глобал сунъий интеллект бозорининг ҳажми
2016-2025 йй.(млрд \$)***



*Сунъий интеллект бозори саккиз йил ичида 25 баравар ўсиши кутилмоқда.

Банк фаолияти компьютер ва электрон тармоқлар ёрдамида амалга оширилади ва бу имкониятни банкларга сунъий интеллект тақдим этади. Ушбу жараённинг энг муҳим қисми банк соҳасида машинали ўқитишдир. Сунъий интеллект мижозларни рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул

килади. Демак, банк соҳасидаги сунъий интеллектнинг асосий мақсади – мижозларнинг банк хизматларидан қониқиш даражаси тўғрисида тасаввурга эга бўлиш, мижозларнинг янги молиявий маҳсулот ва технологияларга нисбатан келажакдаги истиқболларини аниқлашда ёрдам беришдир [2].

Бугунги кунда Ахборот технологиялари вазирлиги томонидан биометрик идентификациялаш тизими ишлаб чиқилган, бу тизим 23 та банк (68%), 15 та тўлов тизимлари, 15 та маркетплейс ва 5 та давлат органларида ишга туширилган, 1,7 миллион фойдаланувчи бўлиб, Mobile ID тизими орқали ЯИДХПда индентификация қилиш амалга оширилади.

Бундан ташқари, нутқни матнга ўтказиш тизими ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозир банк мижозларини нутқ орқали аутентификация қилиш ва бошқа шу каби жараёларни рақамлаштириш мумкин.

Сунъий интеллект технологияларини жорий қилишдаги мавжуд муаммолар сифатида инфратузилмадаги булутли технологияларга асосланган ҳисоблаш қувватлари йўқлиги, сунъий интеллектда қўлланиладиган катта хажмдаги маълумотлар тўплами тизимлаштирилмаганлигини айтиш мумкин. Бу муаммоларни ечиш учун электрон ҳукумат маълумотларини сақлаш ва қайта ишлаш марказига сунъий интеллект технологиялари учун зарур график процессорга эга серверларни ўрнатиш, катта маълумотлар AI Hub платформасини яратиш, сунъий интеллект лойиҳаларини амалга оширувчи маҳаллий компаниялар учун Cloud AI хизматини яратиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда 2022-2024 йилларда очик маълумотлар порталидаги рақамли маълумотлар тўпламлари сонини 5 000 тага етказиш, сунъий интеллект йўналишида кадрлар тайёрловчи ОТМлар сонини 12 тага, квоталар сонини 300 тага етказиш, сунъий интеллект соҳасида билим ва кўникмаларга эга 1000 нафар юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, ягона интерактив давлат хизматлари порталида сунъий интеллект технологиялари асосида кўрсатилаётган хизматлар сонини 5 тага етказиш, илмий лабораториялар сонини 15 тага, илмий даражали ўқитувчилар (PhD, DSc) сонини 10 нафарга, сунъий интеллект технологияларига асосланган илмий мақолалар сонини 150 тага етказиш мўлжалланган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда банк соҳасида Россиянинг “СБЕР” гуруҳи билан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, фуқароларга мобил телефонлар орқали масофавий хизматларни олиш имконини берадиган овозли биометрия технологиясини жорий этиш, бундан ташқари, субъектнинг юзи орқали (Face ID) биометрик

идентификацияни жорий этиш режалаштирилган. Сунъий интеллект кредит рискларини таҳлил қилишга ва банк хизматлари сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Сунъий интеллект энг истиқболли молиявий технологиялардан бири хисобланади. Сунъий интеллект банклар жараёнларини, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга ёрдам беради, шунингдек инсон омили таъсирини ва йўл қўйилган хатолар сонини минималлаштиради; сунъий интеллект ёрдамида амалга ошириладиган технологик жараёнлар харажатларининг пасайишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4996-сон Қарори. – www.lex.uz

2. Гулямов С.С., Джуманиязова М.Ю., Мирзанова Н.М. Технологии искусственного интеллекта в экономике. Учебник. – Т.: Молия-Иқтисод, 2022.

3. Бегалов Б.А., Гулямов С.С., Хайитматов Ў.Т. Миллий статистика тизимини самарадорлигини оширишда катта хажмдаги маълумотлар (Big data) таҳлили технологияларидан фойдаланиш. Статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ролини ошириш. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. –Тошкент, 2020.

4. О.П.Семикина, О.С.Рудакова. О роли банка в цифровой экономике. Молодой ученый 2021. – <https://moluch.ru/archive/392/86564/>

5. Абдрахманова Г.И., Вишневский К. О., Гохберг Л. М. и др. Что такое цифровая экономика? Тренды, компетенции, измерение: доклад к XX Апр. междунар. науч. конф. по проблемам развития экономики и общества, Москва, 9–12 апр. 2019 г. – М.: Издательский дом НИУ ВШЭ, 2019. – 82 с.

6. Авис О.У., Косарев В. Е. Взгляд на взаимодействие традиционных и цифровых инструментов банковского обслуживания // Вестник Астраханского государственного технического университета. Серия: Экономика. 2021. № 1. С. 101–107.

7. Алырщикова Ю.А. В условиях цифровой индустриализации и кризиса, вызванного пандемией короновирусной инфекции COVID-19 / Под общей редакцией Т. Д. Стрельниковой, О. Ю. Смысловой. 2021. С. 111–115.

8. Влияние цифровой экономики на финансовые рынки и банки. Монография. / Косарев В. Е. – Москва: Русайнс, 2020. – 296 с.

RAQAMLI PLATFORMALARNI YARATISHDA JAHON TAJRIBASINI O'RGANISH

Mustafaqulov O'ktam Ungboyeovich

tayanch doktorant (PhD)

*Kadrlar malakasini oshirish va
statistic tadqiqotlar instituti*

E-mail: www.uktambek.uz@mail.ru

ORCID: 0000-0002-2302-211X

Annotatsiya

Bugungi kunning global jarayonida biznes shart-sharoitlari tez o'zgarib bormoqda. Ushbu o'zgarishlar barcha mavjud biznes modellariga va asosiy bozor ishtirokchilari o'rtasidagi munosabatlar jarayoniga ta'sir qilmoqda. Shaxslararo va ishbilarmonlik aloqalarining texnologik imkoniyatlari, xizmat ko'rsatish darajasi va tezligiga qo'yilgan talablarning ortib borishi biznesni tubdan o'zgartirish zarurligini ko'rsatmoqda.

Shu sababli raqamli platformalarni ishlatish jarayonida jahon tajribasidan foydalanish muhim ahamiyatga ega bo'lib, iqtisodiyotni raqamlashtirish yo'nalishlarining asosiylaridan biriga aylanmoqda.

Bu yo'nalish xo'jalik subyektlari o'rtasida samarali aloqalarni yaratish, hududiy va til bilan bog'liq to'siqlarni bartaraf etish, biznes jarayonlari samaradorligi va raqobat bardoshligini oshirish imkonini beradi. Raqamli platformalar o'z o'rnida milliy bozorning ham kengayishiga sharoit yaratib beradi. Raqamli platformalarning ushbu masalalari maqolada aks ettirilgan.

Kalit so'zlar: raqamli iqtisodiyot, raqamlashtirish, raqamli platforma, raqamli xizmatlar, korxonalar, innovatsiya, onlayn platforma, elektron tijorat.

ИЗУЧЕНИЕ МИРОВОГО ОПЫТА СОЗДАНИЯ ЦИФРОВЫХ ПЛАТФОРМ

Мустафакулов Уктам Унгбаевич

базовый докторант (Ph.D)

*Институт повышения квалификации
и статистических исследований*

E-mail: www.uktambek.uz@mail.ru

ORCID: 0000-0002-2302-211X

Аннотация

Условия ведения бизнеса в современном мире быстро меняются. Эти изменения затрагивают все существующие бизнес-модели и процесс взаимоотношений между основными участниками рынка.

Существующие технологические возможности межличностного и делового общения, повышенные требования к уровню обслуживания и

скорости предоставления востребованных услуг свидетельствуют о необходимости коренного изменения подходов к организации бизнеса.

Поэтому обращение к мировому опыту в использовании цифровых платформ является важным и одним из основных направлений цифровизации экономики.

Это направление способствует созданию эффективных коммуникаций между субъектами, устранению территориальных и языковых барьеров, повышению эффективности и конкурентоспособности бизнес-процессов. Цифровые платформы будут способствовать расширению национального рынка. Эти вопросы, связанные с цифровыми платформами, получили отражение в данной статье.

Ключевые слова: цифровая экономика, оцифровка, цифровая платформа, цифровые услуги, предприятия, инновации, онлайн-платформы, электронная коммерция.

STUDYING THE WORLD EXPERIENCE OF CREATING DIGITAL PLATFORMS

Mustafakulov Uktam Ungbayevich

*Basic doctoral student (Ph.D) of the Institute for
Advancement qualification and statistical research*

E-mail: www.uktambek.uz@mail.ru

ORCID: 0000-0002-2302-211X

Abstract

Business conditions in the modern world are changing rapidly. These changes affect all existing business models and the process of mutual relations between the main market participants.

The existing technological capabilities of interpersonal and business communication, increased requirements for the level of service and the speed of providing in-demand services indicate the need for a radical change in approaches to business organization.

Therefore, the use of world experience in the use of digital platforms is an important and one of the main directions of digitalization of the economy.

This direction involves the creation of effective communications between subjects, the elimination of temporary, territorial and language barriers, increasing the efficiency and competitiveness of business processes. Such digital platforms will contribute to the expansion of our national market. These issues of digital platforms are reflected in this article.

Keywords: digital economy, digitization, digital platform, digital services, enterprises, innovations, online platforms, E-commerce.

Kirish

XXI asr boshlaridan dunyo biznes sharoitlari tez o'zgarib bormoqda va bu jarayon o'z-o'zidan raqamli o'zgarishlarni talab qiladi.

Ushbu o'zgarishlar barcha biznes modellariga va asosiy bozor ishtirokchilari o'rtasidagi munosabatlar o'zgarishiga ta'sir qiladi. Shahslararo va ishbilarmonlik aloqalarning texnologik imkoniyatlari, hizmat ko'rsatish darajasiga va uning tezligiga talablarning ortib borishi biznesni tashkillashtirish yondashuvlarini tubdan o'zgartirish zarurligini ko'rsatmoqda.

Raqamli texnologiyalar jismoniy shahslar, tadbirkorlik subyektlari va jamiyatning iqtisodiy, siyosiy va madaniy hayotining muhim qismiga aylanmoqda.

Ular yangi ishlab chiqarishni tashkil etish, axborot-kommunikatsion texnologiyalari asosida shaxslararo hamkorlik darajasini yaxshilash, innovatsion biznes modellarini shakllantirish, milliy bozor raqobatbardoshligini oshirish imkonini beradi.

Zamonaviy raqamli texnologiyalar yigirmanchi asrning o'rtalarida paydo bo'lishini qayd etish o'rinlidir. Vaqt o'tib birinchi kompyuterlarda dasturiy hisob-kitoblar qo'llanila boshlandi. Keyinchalik kompyuter dasturini yaratish texnologiyalari keng tarqaldi. Raqamli texnologiyalar rivojlanishining birinchi bosqichida ma'lumotlar uzluqli axborot yig'indisidan iborat bo'lib, ma'lumotlarga ishlov berishda 0 (nol) va 1 (bir) raqamlari signal ifodasida almashib kelgan. Analog texnologiyalar ham keng qo'llanilib kelinmoqda. Ular orqali turli amplitudali elektr ritmlarining uzluksiz oqimi orqali katta hajmdagi ma'lumotlarni uzatish mumkin.

Analog texnologiyalardan farqli o'laroq, raqamli texnologiyalarda ma'lumot raqamlar tizimida uzatiladi, boshqacha aytganda, uzatiladigan ma'lumot raqamlashtiriladi.

Raqamli platforma raqamlashtirish jarayonining eng muhim elementlaridan biri bo'lib, texnologik va kommunikatsiya elementlarini o'z ichiga olgan istiqbolli biznes modeli sifatida qaraladi.

Adabiyotlar sharhi

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 5 oktabrdagi PF-6079-son "Raqamli O'zbekiston – 2030" strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'grisida"gi Farmoniga muvofiq, bir qator vazifalar belgilab berilgan.

Ushbu vazifalarni hal qilish amallari raqamli platformalardan faol foydalanishni o'z ichiga oladi. Chunki raqamli platformalar "... zamonaviy iqtisodiyot rivojlanishining asosiga aylanmoqda" [1].

Raqamli platformalar biznes yuritishning an'anaviy usullarini, jumladan, bozordagi muvozanat kuchlarini o'zgartirmoqda. "Raqamli platformalar egalari narxlarni nazorat qilish orqali o'z ta'sirini kuchaytirib, an'anaviy biznes egalariga qarshi kurashadi"[3].

Nik Srnichek platformalarni ikki yoki undan ortiq guruhlariga o‘zaro ta‘sir o‘tkazish imkonini beruvchi raqamli infratuzilmalar sifatida belgilaydi. Natijada, platformalar turli foydalanuvchilarni bog‘laydigan vositachilar sifatida namoyon bo‘lganini ko‘ramiz. Bu foydalanuvchilar qatoriga xaridorlar, reklama beruvchilar, tovar va xizmatlarni yetkazib beruvchilar, ishlab chiqaruvchilar kiritish mumkin [14]. "Platforma" atamasi turli sohalarda – qurilish sanoatida, logistikada, moliya tizimida va boshqalarda qo‘llaniladi. "Platforma" atamasining barcha ma‘nolari "kuchli poydevor" so‘zi bilan ta‘riflana bo‘ladi [5]. Adabiyotlarda "raqamli platforma" atamasi ma‘lum qoidalarga muvofiq ikki yoki undan ortiq foydalanuvchilar guruhining o‘zaro ta‘sirini ta‘minlaydigan virtual platforma sifatida ta‘riflanadi [13].

Tadqiqot metodologiyasi

Ishda ilmiy abstraksiya, tahlil va sintez, induksiya va deduksiya, mantiqiy va empirik usullardan foydalanildi.

Tahlil va natijalar

Maqolada raqamli platformalar tadqiq etishning xorijiy tajribalari platforma yechimlaridan faol foydalanadigan korxonalar, bozor kapitallashuvi bo‘yicha dunyodagi eng yirik kompaniyalar misolida ko‘rib chiqilgan.

Mutaxassislarning takidlashicha, global platformali o‘nta eng yirik kompaniyalarining umumiy bozor kapitallashuvi 4,8 trillion dollardan ortiq(1-diagramma).

Rossiya Federatsiyasi misolida ko‘rsak, raqamli platformalar, asosan, Internet foydalanuvchilarining ko‘pligi tufayli keng tarqaldi.

«Ijtimoiy fikr» jamg‘armasi ma‘lumotiga ko‘ra, Rossiyaning bir oylik internet auditoriyasi 84 million kishidan iborat bo‘lib, aholining 72 foizini tashkil qiladi. Shuningdek, haftalik internet auditoriyasi 82 million (72 foiz), kunlik internet auditoriyasi 75 milliondan (64 foiz) iborat bo‘lgan [9].


Shu bilan birga tovarlarni xarid qilish uchun internetdan foydalanayotgan aholi ulushi 2017 yildagi 15,3 foizdan 2021 yilda 29,1 foizga oshgani qayd etilgan.

Davlat va kommunal xizmatlarni olish uchun internetdan foydalanadigan aholi ulushi 2017 yildagi 10,7 foizdan 2021 yilda 42,3 foizgacha o‘ydi [4].

Bugungi kunda raqamli platformalar bozorida bir qator transmiliy kompaniyalar mavjud bo‘lib, ular o‘rtasida qizg‘in raqobat muhiti mavjud.

1-diagramma.

Dunyodagi eng yirik raqamli platformali kompaniyalarning bozor kapitallashuvi (2022 yil aprel holati, mlrd dollar) [9]




Milliy raqamli platformalar asosan tovarlar savdosi (Ozon, Lamoda), transport xizmatlari (Yandex.Taxi), sayohat xizmatlari (tatu.ru), moliyaviy xizmatlar (bank.ru), reklama xizmatlari (Yandex. Direct, Vkontakte Adversting, My target), veb-qidiruv (Yandex, Mail.ru) va boshqa turdagi faoliyat bilan shug’ulanadi.

Quyidagi 2-diagrammada Rossiya raqamli platformali kompaniyalarining bozor kapitallashuvi ko‘rsatilgan [8].

2-diagramma.

Rossiyadagi eng yirik raqamli platformali kompaniyalarning bozor kapitallashuvi (2021-yil, mlrd dollar)



Ko‘rinib turibdiki, mazkur raqamli platformalarning kapitallashuvi global


raqamli platformalar, shuningek mahalliy tovar xoldinglari va banklar ko'rsatkichlaridan sezilarli past.

Misol tariqasida ijtimoiy tarmoqlar tezkor xabarchilar va qidiruv tizimlarining xorijiy va rus platformalari xususiyatlari 3-diagrammada ko'rsatilgan.


3-diagramma.

Rossiya raqamli platformali bozorlarining xususiyatlari [3]

Ijtimoiy tarmoqlar va messenjerlar




Qidiruv tizimlari



Jahon bo'yicha raqamli platformali kompaniyalarning hududiy taqsimoti 4-diagrammada ko'rsatilgan.

4-diagramma.

Dunyo davlatlari bo'yicha raqamli platformali kompaniyalarning taqsimlanishi, % [11]



Raqamli platformali kompaniyalarning ayrimlari Shimoliy Amerika va Osiyoda joylashgan bo'lsa, Yevropa kompaniyalarining ulushi juda past.

O‘zbekiston Respublikasida ham xorijiy davlatlar tajribalaridan foydalanish yo‘llarini ishlab chiqish zarur va shu asosida milliy raqamli platformalarni yaratib, iqtisodiyotning zarur tarmoqlariga qo‘llash lozim.

Raqamli platformalarni rivojlantirish O‘zbekiston iqtisodiyotini raqamlashtirishning ustuvor yo‘nalishlaridan biriga aylanishi kerak.

Mahalliy platforma yechimlarini ishlab chiqishda bir qator tendensiyalar mavjud:

yirik va barqaror iste‘molchiga ega katta hajmli raqamli platformalar tomonidan onlayn xizmatlar ko‘lamini kengaytirish zarur. Shu bilan birga, hozirgi paytda yetakchi mavqiyga ega rivojlanib kelayotgan yangi xizmat bozorlarini egallash imkoniyati yuqori;

sanoat va qishloq xo‘jaligi kabi iqtisodiyotning asosiy tarmoqlari, shuningdek ijtimoiy soha, qurilish, davlat boshqaruvi va davlat xizmatlarini ko‘rsatish uchun O‘zbekistonda ham raqamli platformalar tizimini takomillashtirish;

platformalarni rivojlantirish bo‘yicha qo‘shimcha resurslarni jalb etish va ulardan foydalanish, muayyan maqsadli yo‘nalishlarni amalga oshirish uchun raqamli platformalardan to‘laonli va samarali foydalanish;

kichik va o‘rta korxonalar faoliyatiga raqamli platformalarni joriy etish, biznes jarayonlarini qo‘llab-quvvatlovchi platformaga statistik tahlil, buxgalteriya hisobi, kadrlar, soliq hisobini o‘tkazish imkoniyati bilan korxonalar biznesini rivojlantirish va axborotga kirish uchun resurslarni ta‘minlaydi.

Xulosa

O‘rganish natijalari asosida shuni takidlash kerakki, davlat tomonidan raqamli platformalarni joriy etish ishlarini qo‘llab-quvvatlash chora-tadbirlari maqsadga muvofiq bo‘lib, mahalliy mahsulotlarni ishlab chiqarishda raqamli platformalarni qo‘llanilishi milliy iqtisodiyot samaradorligini oshirish imkonini beradi.

Asosiy yo‘nalishlar orasida quyidagilarni ajratish mumkin:

raqamli iqtisodiyotda platformalarning xususiyati va dolzarbligini aniqlash maqsadida raqamli platformalarning rivojlanishini monitoring qilish;

jahon tajribasidan foydalangan holda raqamli platformalarni yaratishni rag‘batlantirish va ishtirokchilar uchun yagona ish qoidalarini shakllantirish;

oliy ta‘lim muassalarida shu soha bo‘yicha mutaxassislarni tayyorlashni tashkil etish;

iste‘molchilarning raqamli platformaga ishonchini oshirish;

Raqamli platformalar yangi biznes modellarini yaratish imkonini beradi, unda ko‘plab amalga oshirilmagan salohiyat mavjud. Raqamli platformalardan

foydalanish inson va boshqa resurslarni faollashtirish jarayonida amalga oshiriladigan faoliyat turidir. Bunday platformalar yangi turdagi o'zaro aloqalar, bozorlar va tarmoqlar paydo bo'lishi uchun sharoit va imkoniyat yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 5 oktabrdagi “Raqamli O'zbekiston-2030 strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PF-6079-son farmoni. – <https://lex.uz/docs/5030957>

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 13 dekabrda “O'zbekiston Respublikasi davlat boshqaruvida raqamli iqtisodiyot, elektron hukumat hamda axborot tizimlarini joriy etish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi PF-5598-son farmoni. – <https://lex.uz/docs/4103415>

3. Агеев А.И. Управление цифровым будущим // Мир новой экономики. 2018. № 3. С. 6–23.

4. Агеев А.И., Аверьянов М. Цифровое общество: архитектура, принципы, видение // Мир новой экономики. 2017. С. 114–125.

5. Афинская З. Н., Алтухов А. В. Эвристический потенциал «кочевых» понятий: платформа // Коммуникативные исследования. 2020. Т. 7, № 1. С. 31-44.

6. Гелисханов И.З., Юдина Т.Н., Бабкин А.В. Цифровые платформы в экономике: сущность, модели, тенденции развития // Научно-технические ведомости СПбГПУ. Экономические науки. Том 11. № 6. 2018. С. 22–36.

7. Европейская комиссия. Цифровая экономика. URL: <https://ec.europa.eu/growth/sectors/digital-economy/>

8. Евтушенко С.Н., Аверьянов М.А., Кочетова Е.Ю. Цифровая экономика. Трансформация промышленности // Экономическая стратегия. 2016. № 8. С. 52–54.

9. Ефферин Я.Ю., Россотто К.М., Хохлов Ю.Е. Цифровые платформы в России: конкуренция между национальными и зарубежными многосторонними платформами стимулирует экономический рост и инновации // Информационное общество. 2019. №1-2. С. 16–34.

10. Месропян В. Цифровые платформы – новая рыночная сила. URL: <https://www.econ.msu.ru/sys/raw.php?o=46781&p=attachment/>

11. Pakhomova Yu.V., Narolina T.S., Voeva A.A. Enterprise development management based on digital economy methods. В сборнике: Advances in Economics, Business and Management Research Proceedings of the International Scientific and Practical Conference on Digital Economy (ISCDE 2019). electronic edition. 2019. С. 227–23.

12. Рязанова А. А. Цифровые платформы: интегративный потенциал, основные понятия и свойства // Вестник современных цифровых технологий. 2020. № 4. С. 26-36.

13. Шевчук А. В. От фабрики к платформе: автономия и контроль в цифровой экономике // Социология власти. 2020. Т. 32, № 1. С. 30-49.

14. Ник Срничек. Платформа капитализма. – М.: Высшая школа экономики, 2019. – 128 с.

